

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙНОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

Қўл ёзма ҳуқуқида
УДК 377.1:629.3.

АБДИЕВ НАВРЎЗ ЭРКИНОВИЧ

Бўлажак касб таълими мутахассисларини тайёрлашда сифат назорати

5A111001-Касб таълими назарияси ва методикаси (ЕУТ ва УЭ)

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Кафедра мудири
“Энергомашинасозлик ва
касб таълими (ЕУТ)”
_____ т.ф.н. Тўраев Б.Т.

Илмий раҳбар:
п.ф.д., проф. **Ходжабаев А.Р.**

Тошкент 2016

Мундарижа

	Кириш.....
I-БОБ.	Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини назорат қилиш психологик-педагогик муаммо эканлиги ...
1.1.	Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини назорат қилиш психологик-педагогик муаммо эканлиги
1.2.	Талабаларнинг касбий-педагогик тайёргарлиги сифатини назорат қилишнинг услублари ва шакллари I боб бўйича хулоса
II-БОБ.	Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолаш методикаси
2.1.	Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш асослари
2.2.	Талабаларнинг ихтисосликка оид касбий тайёргарлигини аниқлаш, назорат қилиш ва баҳолаш методикаси II боб бўйича хулосалар
III-БОБ.	Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг тайёргарлик сифатини назорат қилиш ва баҳолаш бўйича тажриба-синов ишлари
3.1.	Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил қилиш ва ўтказиш
3.2.	Тажриба-синов натижалари
	Умумий хулосалар
	Иловалар
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

КИРИШ

Таълим тизимининг модернизация тизими бўлажак мутахассисларни касбий тайёрлаш касбий тайёрғалиги сифатини ошириш муаммоси билан узвий боғлиқ бўлиб, бу масаланинг касбий ечими социал ва педагогик қийматга эга бўлган изланишларни белгилашдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида, нутқ ва маърузаларида, суҳбат ва интервьюларида илмий-назарий жиҳатдан чуқур таҳлил этилган амалдаги узлуксиз таълимнинг миллий ўзига хос ва янги тури ҳисобланган ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳамда унинг мазмунидаги янгиланишлар бунга яққол мисол бўлади [3; 4; 5; 6; 7; 8]. Президентимиз таъкидлаганларидек, «навбатдаги энг устувор вазифа – бу мамлакатимизни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантиришдан иборат»дир [8.48]. Шунингдек, ёшларни замонавий касб-хунарларга ўргатиш, боқимандалик кайфиятидан халос қилиш, тадбиркорлик қобилиятини юзага чиқариш, уларда бозор иқтисодиёти кўникмаларини, мулкка эғалик туйғусини шакллантириш» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг устувор йўналишларидан бирига айланган [11.10].

Бўлажак мутахассисларни касбий тайёрлаш сифатини ошириш зарурияти фан-техника соҳасида эришилаётган ютуқлар, мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, меҳнат бозорининг олий таълим маскани битирувчисига қўйилаётган талаблар асосида олийгоҳда талабани касбий тайёрлаш сифатини яхшилашнинг педагогик аспекти талабани шахс сифатида ва ижтимоий буюртма томонидан барча талабларга жавоб бера оладиган натижага эришишини таъминлаш лозимлигини талаб этади. Олийгоҳ мутахассисларни юқори даража интенсив меҳнатга лаёқатли , ижодий фаолиятга тайёланган узлуксиз таълимни амалга ошириши лозим бўладиган мутахассисларни тайёрлаши керак.

Бу эса ўз навбатида талабаларни касбий тайёрлашга янгича ёндашувни, яъни фақатгина билим олишга эмас, балки бошқа

кўрсаткичларни ҳам аниқлаш заруриятини таъминлаб берувчи, ишлаб чиқариш функцияларини муваффақиятли бажаришни таъминлаб берувчи билимдонлик ва кўникмаларга эга бўлишни таъминловчи кўрсаткичларга қаратади.

Бўлажак мутахассисларни касбий тайёргарлиги сифати кўрсаткичлари кўпгина олимлар томонидан кўриб чиқилган (Н.Н.Азизходжаева[23], Г.М.Анарқулова[25], С.Я.Батишев[29], В.С.Безрукова[30], В.П.Беспалько[33], А.И.Воробёв[38], П.И.Иванов[42], Қ.Ишматов[43]).

Педагогик олийгоҳларнинг касбий тайёргарлиги сифатини оширишга жуда кўплаб педагоглар, психолог ва услубиятчилар томонидан кўп эътибор берилиб (С.Л.Лобачев[50], Н.Д.Левитов[49], У.Махкамов[58], О.Мусурмонова[61], У.Нишоналиев[62], Т.Новацкий[63], В.Д.Симоненко[65], М.Очилов[68], С.Очилов[69], А.К.Мунавваров[74], ва бошқалар), улар қарашларида бир-бирига яқин ва айри нуқтаи назарлар бор. Аммо талабаларни касбий педагогик тайёрлаш сифати кўрсаткичларини намоён қилиш масаласи етарлича ишлаб чиқилмай қолмоқда. Холбуки бунга, тескари алоқа функциясини бажарувчи ва талабанинг билим олиш фаолиятини бошқарувчи ўқув тарбия жараёнининг асосий ташкил этувчи элементи назоратни ташкил этишга имкон туғдирмоқда.

Шу билан бирга олийгоҳларда талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими унга кўйилган кўплаб талабларни қониктирмайди, чунки у асосан талабаларнинг ўзлаштирган билимлари, махорат ва кўникмаларини аниқлаштиришга йўналтирилган. Асосан бунда имтиҳон ва синов (хисобга олиш)да ўқув материалининг алоҳида бир парчасининг ўзлаштирилганлиги назорати амалга оширилади. Аммо амалда жуда кам нашрларда касбий тайёргарлик кўрсаткичлари назорати ҳақида гап боради.

Мамлакатимизнинг кўпгина олийгоҳларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш рейтинг тизими кўпгина тадқиқотчилар фикрича одатий назоратнинг камчиликларини бартараф этишга йўналтириган бўлиб , биринчидан - у талабалар билимини ўз вақтида чуқур ва ҳар томонлама

баҳолашда топшириқларни ўз вақтида бажариш, халоллик, турли хажмдаги топшириқларни бажариш сифати ва мураккаблигини аниқлаш; иккинчидан- талаба мувафақиятинини ўз вақтида қўллаб қувватлаш, талабаларда ўз имкониятларига ишонч туғдириш имконини беради, бу эса ўз навбатида таълим жараёнини самарасини оширишга омил бўлади. Шу билан бирга тажриба шуни кўрсатадики, рейтинг тизимига ҳам традицион назоратга оид бир қанча камчиликлар хосдир, чунки рейтинг назоратини амалга оширишда ўқитувчилар эътибори асосан яна ўша талабанинг билимларни ўзлаштириши, махорати ва кўникмаларига эга бўлишига, топшириқларни ўз вақтида бажарилиши ва расмийлаштиришига қаратилади. Шунинг учун касбий тайёргарлиги сифатини тавсифловчи кўпгина кўрсаткичлар аниқланмай қолади.

Амалдаги назорат тизимининг камчиликлари назоратнинг ноодатий шакл ва усулларини излаб топишга олиб келди ва булардан академик машғулотлар олиб боришда, имтиҳон ва зачет (ҳисобга олиш) ўтказишда фойдаланилмоқда. Назоратнинг асл мақсади ва моҳиятини аниқлашга ёндашишни ўзгартириш зарурияти аниқ бўлиб бормоқда. Назорат нафақат талабаларнинг фанларни ўзлаштириб олиш фаолиятини қайд этиши, балки унинг хусусияти ва касбий тайёргарлик сифати кўрсаткичларини намоён эта билиши керак бўлади, бу эса диагностикалашдан ташқари уларни сезиларли даражада яхшилиш имконини беради.

Ушбу масалани тадқиқ этиш актуаллиги фақатгина бўлажак мутахассисларни касбий тайёргарлик сифатини ошириш билан белгиланиб қолмай, балки бу кўрсаткичларнинг жамиятнинг етук мутахассисга бўлган талабидан орқада қолишини олдини олиш билан ҳам белгиланганди. Ушбу масаланинг моҳияти талабаларнинг касбий тайёргарлик сифатига бўлаётган талабларнинг ўсиб бориши ва унинг етарлича илмий назарий асослаб беришдаги зиддиятлар билан тавсифланади. Амалдаги зиддият қуйидагилар орасидаги номутаносиблик билан белгиланган:

- Ўқув юртлари талабаларининг касбий тайёргарлиги сифатини назорат қилишнинг объектив эҳтиёжи ва масаланинг муваффақиятли ечимига сабаб бўлувчи ташкилий услубий таъминоти;

- Талабаларнинг касбий тайёргарлиги назоратини амалга ошириш зарурияти билан назоратнинг ўқув жараёнидаги вазифаси - олинган билим , кўникмава малакаларнинг даражасини аниқлаш;

Мавжуд қарама-қаршилик тадқиқот муаммосини юзага келтириб чиқарди, бу муаммо бўлажак педагогларнинг касбий тайёргарлиги сифатини аниқлаш имконини берувчи назорат шакл ва усулларининг илмий асослашдан иборатдир.

Ушбу муаммонинг етарлича назарий ишлаб чиқилмаганлиги **“Бўлажак педагогларнинг касбий тайёргарлик сифати назорати”**мавзусидаги илмий тадқиқот ишини танлаш имконини берди.

Тадқиқот объекти: бўлажак педагогларни касбий тайёрлаш жараёни;

Тадқиқот предмети: бўлажак педагогларни тайёргалик сифатини назорат қилиш.

Тадқиқот мақсади: бўлажак педагогларни касбий тайёргарлиги сифатини аниқлаш шакли, усуллари ва диагностик усулларини назарий асослаш ва эксперименталь текшириш.

Тадқиқот вазифалари: касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини назорат қилиш психологик-педагогик муаммо эканлигини асослаш; бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолаш методикасини ишлаб чиқиш; бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг тайёргарлик сифатини назорат қилиш ва баҳолаш бўйича тажриба-синов ишлари методикасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот гипотезаси: талабаларнинг касбий тайёргарлигини назорат қилиш самарали бўлади, агар:

- Талабалар касбий тайёргарлик сифатини ошириш олийгоҳ ўқитувчилари фаолиятида энг муҳим ўрин тутса;

- Талабаларнинг касбий тайёргарлиги сифатини аниқлаш учун одатий шакл ва усулларни солиштирма тахлили ўтазилса;

- Назоратнинг шакли ва моҳияти унинг функциональ вазифасини ҳисобга олган ҳолда нафақат касбий тайёргарлик сифатини аниқлаш, балки уларни ўзгариши динамикасини ҳам аниқлашни таъминлайди.

Белгиланган мақсад ва гипотезага мувофиқ **тадқиқотнинг қуйидаги масалалари** аниқланди:

1. Философия, психология ва педгогика адабиётларини тахлил этиш асосида “касбий тайёргарлик” тушунчасини аниқлаштириш, бўлажак педагоглар касбий тайёргарлиги асосий сифат кўрсаткичларини аниқлаш ва назарий асослаб бериш.

2. “Касбий тайёргарлик сифати назорати” тушунчаси моҳияти ва талабаларнинг касбий педагогик тайёргарлик сифати кўрсаткичларини аниқлаш учун назорат шакл ва усуллари имкониятларини очиб бериш.

3. Назорат усуллари ва диагностик усулларни уларнинг функциональ вазифаси ва бўлажак педагогларни касбий тайёргарлик сифати кўрсаткичларини аниқлашда самарадорлигини эксперименталь текшириш хусуиятларини ҳисобга олган ҳолда асослаш.

Тадқиқотнинг назарий -методолик асоси қуйидагилардан иборат:

- Т.О.Автайкина[22], Н.А.Муслимов[59], А.А.Платонов[75], Е.С.Рапацевич[74], Ш.Мамажонов[55], М.В.Буланова[71] ва бошқалар илмий тадқиқот ишларида очилган сифат даражасини асослаш;

- бўлажак мутахассисларни таълим ва билим олиш сифатини аниқлаш бўйича ёндашув (С.А.Симирнов[72], П.И.Пидкасистого[73], О.Р.Розиқов[78], Л.С.Рмбас[79]ва б.);

- бўлажак педагогларни касбий тайёргарлигини такомиллаштириш йўналишлари (У.Толипов[86], С.Волкова[14], Н.Ф.Талиизина[83], В.Л.Рьюс[81], А.Б.Тураев[89], И.Турсунов[88], А.Р.Ходжабаев[93;92] ва б.);

- ўқувчиларда билим, куникма ва малакаларни шакллантириш вазифаси (Ў.Д.Хидиров[90], Т.Н.Шпилова[96], Д.Б.Эльконин[97]ва б.).

-илмий тадқиқот ишида Э.Юсупов[98], Ю.Г.Фокин[100] ва И.Г.Фомичева[101] ларнинг ишларидан ҳам фойдаланилди.

Қўйилган масалалар ечимини топиш учун **тадқиқотнинг қуйидаги усуллари**дан фойдаланилди.

Назарий таҳлил ва философия, социология, психология, педагогика ва услубий адабиётларнинг синтез қилиш тадқиқотнинг бошланғич позицияни аниқ ифодалаб бериш мумкин бўлди. Масалага тизимли ёндошиш касбий тайёргарликнинг сифат кўрсаткичларини ишлаб чиқишда асосий концептуаль ғоясини ва унинг ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқишни белгилаб берди.

Педагогик эксперимент бошланғич ҳолатнинг тўғрилигини ва назоратнинг олиб бориш усуллари ва шаклини диагностик усуллар билан уйғун ҳолда олиб боришни тасдиқлаб берди .

Тадқиқотнинг бошқа ёрдамчи усуллари: сўровнома ўтказиш, ҳужжатлар таҳлили, олинган маълумотларни статистик иўшов бериш каби усуллар амалда олинган натижаларни назарий таҳлил асосида асослаб бериш ва уларнинг ишночлилигини тасдиқлаб берди.

Тадқиқотнинг эмпирик базаси. Изланишларнинг тажриба-синов қисми диссертант томонидан амалга оширилди. Ҳаммаси бўлиб ўргани чиқиш ишларига 268 талаба жалб этилди.

Ўрганиб чиқиш босқичлари. Диссертация бўйича изланишлар иши 2014 йилдан 2016 йилгача босқичма-босқич амалга оширилди.

Биринчи босқичда (2014-2015 йй.) философия, социология, психология, педагогика ва услубий адабиётлар ўрганилиб чиқилди, бунда муаммонинг олийгоҳ таълимида назарий ва амалдаги ҳолати аниқланди. Илмий концепция, турли нуқтаи назарларнинг солиштириш ва турли фикрларни умумлаштириш тадқиқотнинг бошланғич ҳолатини белгилаб олишга имкон берди.

Иккинчи босқич (2015 й.) тажриба эксперименталь ишларини олиб боришга боғлиқ бўлди. Педагогик эксперимент программасини

ишлаб чиқиш муносабати билан эмпирик маълумотлар йиғиш , эксперимент ишларинининг қайд этиш ва муайян бир шаклга келтириш босқичлари натижаларини таққослаш ишлари амалга оширилди, бўлажак педагоглар касбий тайёргарлиги сифатини назорат қилиш самараси аниқланди, ишланишлаар натижалари тизимга келтирилиб умумийлаштирилди.

Учинчи босқичда (2015- 2016 йй.) бўлажак педагоглар касбий тайёргарлиги сифатини назорат қилиш самарасини аниқлаш муаммоси бўйича асосий ҳолатларни илмий асослаш ишлари якунланди ва диссертация иши расмийлаштирилди.

Изланишлар натижалари илмий янгилиги шундаки, бўлажак мутахассисларнинг касбий тайёргарлиги сифатини ошириш бўйича илмий билимлар тўлдирилди, “касбий тайёргарлик”, “касбий тайёргарлик сифати” ва “касбий тайёргарлик сифатини назорат қилиш” тушунчаларига авторлик таърифи берилди; бўлажак педагоглар касбий тайёргарлиги сифатини билдирувчи бир қанча ўзаро боғлиқ бўлган ва ўзаро алоқадор бўлган кўрсаткичлар мажмуаси аниқланди, буларга касбий компетенция, педагогик фикрланишнинг шаклланганлиги, педагогик қобилиятларни кенгайтириш, шахсий тажриба, касбий позиция, ўқитишга ижодий ёндошиш киради, бўлажак педагоглар касбий тайёргарлиги сифатини билдирувчи кўрсаткичларни аниқлашнинг янги шакл ва усуллари очиб берилди, бўлажак педагоглар касбий тайёргарлиги сифатини ошириш билан назоратнинг шакл ва усулларидан фойдаланиш мақсади ўртасида алоқа ўрнатилди.

Изланишлар натижаларининг ижодий маъноси – илмий янгилиги – шундан иборатки, у бўлажак педагоглар касбий тайёргарлиги сифатини оширишга йўналган бўлиб олийгоҳдаги педагогик жараённинг бутунлиги назариясини ривожлантиришга хиссасини қўшади ва касбий тайёргарлик сифати моҳияти тушунчаси кенгайтирилди ва чуқурлаштирилди.

Изланишлар натижалари бўлажак педагоглар касбий тайёргарлиги сифатини назорат қилиш муаммоларини кейинчалик ўрганиш ва унинг ташкилий услубий таъминоти жараёнида назарий база бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Изланишлар натижаларининг амалий қиймати шундан иборатки диссертация ишида илмий назарий ҳолатлар ва хулосаларни амалда турли олий таълим масканлари ўқитувчилари томонидан ўқув услуби мажмуанинг такомиллаштириш учун олийгоҳ талабаларининг фан бўйича тайёргарлик спецификасини инобатга олган ҳолда қўлланила билишдир.

Ҳимояга қуйидаги ҳолатлар олиб чиқилади:

1. Бўлажак педагоглар касбий тайёргарлиги сифати бир қанча сифат кўрсаткичлар мажмуаси бўлиб, унинг мавжудлиги бўлажак мутахассисларни ишлаб чиқариш функцияларини муваффақиятли бажаришга тайёр эканлигини билдиради. Асосий кўрсаткичлар қуйидагилар: 1) педагогик таълимнинг функциональ бутунлиги билан таъминланадиган профессиональ -касбий компетентлик ; 2) билимларни ва турли ҳудудлардаги фаолият усуларини синтез қила олиш ва уларни амалда қўллана олиш қобилияти деб қараладиган педагогик қарашларнинг шакллантирилганлиги; 3) педагогик қобилиятини инсоннинг индивидуаль психологик хусусияти каби ривожлантириш; 4) касбий фаолиятининг ускунаси бўлган шахсий тажриба; 5) келажак ишлаб чиқариш фаолиятига нисбатан ва юқори натижаларга эришиш йўлида интилишга нисбатан профессиональ позиция 6) қўйилган масалаларнинг ноодатий ечимини излашдаги интилишни тавсифловчи ўқитишнинг ижодий тарзи .

2. Талабаларнинг касбий тайёргарлиги сифати назорати назоратнинг одатий усусларидан ва махсус диагностик усуллардан фойдаланган ҳолда аниқланадиган талабаларда таълим жараёнининг

самарасини тавсифловчи талабаларда шаклланган кўрсаткичлар ҳақида маълумотлар олиш усуллари мажмуидан иборат.

3. Талабаларнинг касбий тайёргарлиги сифати назорати назоратнинг одатий усуллари ва махсус диагностик усуллар шаклини тўғри танлаш нафақат кўрсаткичларни аниқлаштиришга, балки ўқув жараёнини такомиллаштириш ва режалаштирилган натижаларга эришишга ҳам ёрдам беради.

Тадқиқотлар натижаларнинг ва улар асосида шаклланган хулосаларнинг шубҳасиз аниқлиги қуйидагилар асосида таъминланади: бошланғич методологик позициялар ; педагогик тадқиқотлар усуллари мажмуаси; териб олиш ҳажмининг репрезентативлиги; ўзгарувчан шароитларни ҳисобга олган ҳолда ўтказиладиган тадқиқотлар давомийлиги; гипотезанинг тажриба эксперименталь текширилиши; статистика маълумотларининг математик ишлов бениш усулларидан фойдаланиш; тадқиқот ва региональгипотезасини натижалар орқали тасдиқлаш.

Тадқиқотлар натижаларини апробациялаш (тасдиқлаш) қуйидагича амалга оширилди: илмий мақола ва амалий назарий конференцияларда тезислар нашр эттириш.

Тадқиқотлар натижаларини татбиқ этиш
педагогика колледжида амалда қўлланилди.

Ишнинг тузилиши: диссертация таркиби кириш, иккита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар библиографик рўйхати ва иловалардан иборат.

1 БОБ. ТАЛАБАЛАРНИ КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ПСИХОЛОГИК ПЕДАГОГИК МУАММО ЭКАНЛИГИ

1.1. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш психологик-педагогик муаммо эканлиги

XX асрнинг сўнгги ўн йили Республикамиз тарихида муҳим аҳамият касб этган йил сифатида тарих китобига муҳрланди. Халқимиз асрлар мабойнида орзиқиб кутган, неча-неча фидоий аждодларимиз орзу қилган мустақилликка эришдик. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ, мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, маънавий, маданий-маърифий соҳаларни ислоҳ қилишга ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Бу борада таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ишлар, ютуқ ва муваффақиятлар алоҳида эътиборга, " лойиқдир. Бинобарин, таълим соҳасини ривожлантирмай туриб, замонталабларига жавоб берадиган юксак малакали кадрлар тайёрлашнинг йложи йўқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов мазкур вазифанинг долзарблигини таъкидлаб қуйидагича фикрни баён этганди: "...келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятларимиздир. Бу муқаддас заминда яшаётган ҳар қайси инсон ўз фарзандининг бахту саодати, фазлу камолини кўриш учун бутун ҳаёти давомида курашади, меҳнат қилади, ўзини аямайди." [4]

Шу туфайли Президентимизнинг таълим соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ўзига хос ташаббус билан чиқиши натижасида 1997 йилда "Таълим тўғрисидаги ва "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида" ги қонунлар қабул қилинди ҳамда мамлакатимизда ўзига хос узлуксиз таълим тизми юзага келди[2].

"Таълим тўғрисида"ги ва "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида"ги қонунларни қабул қилинишидан кўзланган мақсаднинг туб моҳияти Президентимизнинг қуйидаги фикрларида яққол намоён бўлган[1].

"...таълим-тарбия тизимимиз бугунги замонавий, тараққий топган демократик давлатлар талабларига жавоб бера олмаслиги кўп жойларда яққол кўринмоқда. Бугунги кунда мутахассис кадрларни тайёрлаш, таълим ва билим

бериш тизими ҳаётимизда, жамиятимизда бўлаётган ислоҳат, янгилашиш жараёнлари талаблари билан яқиндан боғланмаганлиги ҳар томонлама сезилмоқда.”² Чунончи, “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида”ги қонунларнинг асосий мақсади таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш уни ўтмишдан қолган салбий мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишдир. Маскур қонунларда узлуксиз таълим тизими ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, унинг асосий бўғини сифатида касб-хунар таълими алоҳида ўрин эгаллайди.

“Таълим тўғрисида”ги қонуннинг 13 моддаси ўрта махсус, касб-хунар таълимига оид бўлиб, унда:

Касб-хунар коллежи ўқувчиларининг касб-хунарга мойиллиги, маҳорат ва малакасини чуқур ривожлантиришни, танланган касблар бўйича бир ёки бир неча ихтисос олишни таъминлайдиган уч йиллик ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртидир” - деб кўрсатилган.

Ўрта махсус, касб-хунар таълимининг икки муҳим йўналиши бўлган - академик лицей ёки касб-хунар коллежида таълим олиш ўқувчилар томонидан ихтиёрий равишда танланади.

Касб-хунар коллежи ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантирувчи, танлаб олинган касб-хунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни эгаллаш имконини яратиш мақсадида тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус, касб-хунар таълимини берувчи, юридик мақомга эга янги типдаги таълим муассасалари бўлиб, уларнинг жиҳозланганлик даражаси, педагогик таркибнинг пухта танланганлиги, шунингдек, ўқув жараёнининг замонавий техника ва технологиялар ёрдамида ташкил этилиши алоҳида эътиборга лойиқ.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, ҳозирги пайтда ўрта махсус, касб-хунар таълими фаолиятини янада такомиллаштиришга оид илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини такомиллаштириш ва касб-хунар таълими назарияси ва методикасини ривожланишига У.Нишоналиев[62], О.А.Абдуқудусов[21], Г.М. Анаркулова[26], С.Ю. Ашурова[12], С.Р.Волкова[37], Ф.А. Джумабоева[40], Р.Х.Жўраев[], У.И.Иноятов[41], Ишматов Қ[43], С.Й.Махмудов[57], Н.А, Муслимов[60], Б.С. Нуридинов[64], Қ.Т. Олимов[66], Д.Н. Раззоқов[76], Х.Ф.Рашидов[77], Ў.Қ.Толипов[84], А.Р.Ходжабоев[91], Р.Қ.Чориев[95] ва шу каби олимлар ўз хиссаларини қўшмоқдалар.

Юқорида зикр этилган ватандош олимларнинг тадқиқот ишларида ўқувчиларда ихтисосликка оид билим кўникма ва малакаларини ўзлаштирганлик даражасини назорат қилиш ҳамда баҳолаш масаласи асосий муаммо сифатида эътироф этилмаган бўлса-да, лекин умумий ҳолларда уларнинг қарашлари, ғоялари айнан касб-хунар таълими назарияси ва методикасини ривожлантиришга бағишланган. Хусусан, Х.Ф. Рашидов тадқиқотларида эса Республикада Ўрта махсус, касб-хунар таълими ривожланишининг хусусиятлари, шарт-шароити ва омиллари, тарихий даврларга бўлиниб ўрганилган. Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини бошқаришни ўрганишга миллий модел ва кадрлар тайёрлаш дастури асосида ёндашилган. Ўрта махсус ва касб-хунар таълими ривожланишининг назарий-методологик, социал-педагогик ва ташкилий-методик асослари ишлаб чиқилган[77].

Н.А. Муслимовнинг ишларида олий таълим тизимида касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари, касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантиришда педагогик тизим ва фаолият юритувчи муҳитнинг ўзаро таъсирлашув механизмининг яратиш, педагогик фаолиятда намоён бўлишига кўра бўлажак ўқитувчининг шахсий, касбий шаклланганлик даражасини белгилаб берувчи индивидуалликнинг мотивацион, интеллектуал, ҳиссий, иродавий, амалий кўникма ва ўз-ўзини бошқариш сифатлари касб таълими ўқитувчисини тайёрлаш жараёнининг педагогик шарт-шароитлари ҳамда воситаларини аниқлашнинг асосий мезонлари, маданий-

генетик жараён махсули сифатида ўқитувчи раҳбарлигидаги аудитория машғулотларида, мустақил таълим олишга, педагогик ва техник-технологик муаммоли-вазиятли топшириқларга таянган ҳолда тайёрланишга, индивидуал сифатлар, шунингдек, таянч компетентликни таркиб топтиришга қаратилган касб таълими ўқитувчисини тайёрлаш моделини ишлаб чиқиш, бакалаврлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш механизми сифатида касб таълими ўқитувчиларига қўйиладиган мажбурий минимал талаблар, касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантириш учун ишлаб чиқилган электрон мультимедиали ўқув-методик воситалар тўплами асосида ўрганилаётган соҳа бўйича масофали таълим технологияси яратиш каби гоёлар илгари сурилган[59].

Қ. Т. Олимовнинг тадқиқот ишида махсус фанлар бўйича ўқув-услугий мажмуасининг модели ишлаб чиқиш, ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш муаммолари, махсус фанлардан ўқув адабиётлари янги авлодининг функциялари ва уларнинг тузилиши ва мазмунига қўйиладиган талаблар, махсус фанлар дарслиги моделининг яратиш ва унинг компонентларига қўйиладиган талаблар, махсус фанлардан модулли технология асосида ўқув адабиётларини яратиш, махсус фанларни модулли ўқитишда фаол усулларни қўллашнинг ўзига хослиги, ўқув адабиётларини таҳлил қилиш ва сифатини баҳолаш мониторинг модели, махсус фанлардан электрон дарсликларни яратиш тамойиллари технологияси, ҳамда уларни экспертизадан ўтказиш услуги кабиларни ишлаб чиқишга бағишланган[10].

У.Қ. Толипов ишларида эса олий педагогик таълим тизимида бўлажак ўқитувчиларда умуммехнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларни ривожлантириш жараёнида педагогик технологияларни самарапи қўлашнинг мезонлари ва назарий асослари яратилган. Педагогик технологияларни ўрганишга концептуал-методологик ёндашув бўлажак педагог-муҳандисларнинг умуммехнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларни ривожлантиришнинг зарурий шарти ҳамда таъсирчан механизми сифатида асослаб ва олий педагогик таълимда педагогик технологияларнинг

тизимлаштирувчи хусусиятлари мазмуни очиб берилган. Умуммехнат ва касбий кўникма ҳамда мапакаларни ривожлантириш самарадорлиги ҳамда сифатини назорат қилишнинг педагогик технологиялари асосида кўрсаткич ва мезонлари ишлаб чиқилган[85].

Д. Файзуллаеванинг тадқиқот ишларида замонавий қишлоқ хўжалик машина ва жиҳозлардан фойдаланиш бўйича ўқувчиларда кўникма ва малакаларни шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик заминлари; хорижий тажрибалар асосида яратилган ўқув жараёнининг ўқув-услубий таъминот мажмуаси модели; замонавий қишлоқ хўжалик машина ва жиҳозлари бўйича модулли ўқув-ахборотлар ва ўқувчиларда кўникма, малакаларни шакллантириш технологияси; ўқув-услубий таъминот мажмуасини амалга жорий этишда қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежларининг махсус фан ўқитувчиларини замонавий қишлоқ хўжалик машина ва жиҳозлардан фойдаланиш бўйича малакасини ошириш технологияси[99].

С.Ю. Ашурованинг ишларида “Ўқувчилик ишлаб чиқариш” йўналиши бўйича кичик мутахассислар тайёрлаш ўқув услубий мажмуасининг моделини, махсус фанларнинг модул тизими асосида ўқув услубий мажмуасини махсус фанлари модулли ўқитиш методикасини махсус фанларни модулли ўқитишда амалий машғулотларни ўтказишнинг илгор усулларини ишлаб чиқиш ва илмий жиҳатдан асослаш ғоялари илгари сурилган[12].

Б. Нуриддиновнинг тадқиқот ишларида касб таълими ўқитувчиларини малакасини оширишда фаол ўқитиш методларидан фойдаланиш яъни инвариант модули дастурлар асосида амалга ошириш. Малака ошириш жараёнида тингловчиларнинг иш стажи, таянч маълумоти, касбий педагогик тайёргарлик даражаси, қайси соҳа, мутахассислик ҳамда ихтисослик бўйича кичик мутахассисликлар кичик мутахассисликлар тайёрлашда бевосита иштирок этишларига, хоҳиш истакларига, эҳтиёжларига ва шу кабиларга кўра табақалаштириш асосида малака ошириш курсларини ташкил этишни илмий асослаб берилган. Фаол ўқитиш методларидан фойдаланишга оид тавсиялар ишлаб чиқилган[13].

С.Ю. Махмудовнинг тадқиқот ишида Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида рақобатбардош кадрларни тайёрлаш билан боғлиқ бўлган масалалар мажмуаси, рақобатбардош мутахассис тушунчаси ва унинг ижтимоий-педагогик модели ишлаб чиқилган[15].

Г.М. Анаркулованинг тадқиқот ишида Қишлоқ хўжалиги учун мутахассисларни касбий тайёрлаш масаласи ёритилган бўлиб, унда республикада қишлоқ хўжалиги ривожланиши билан параллел тарзда соҳа учун мутахассис кадрларни тайёрлаш жараёнини тарихий-манتيкий томондан таҳлил қилинганлиги, фермер-ўсимликшунос мутахассислигини касбий фаолиятининг меҳнат мазмуни кўрсаткичлари аниқланган ҳамда республиканинг табиий иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда фермер-ўсимликшунос мутахассисликлари учун ўқув режа ва дастурининг янги моделини ишлаб чиқилган[16].

Касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг ўзлаштириш даражасини назорат қилиш ҳамда баҳолаш масаласи бўйича қуйидаги тадқиқот ишлари олиб борилган. Жумладан, Ф.Г Мамбетовнинг илмий тадқиқот ишида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимида ўқувчиларнинг касбий билим, кўникма ва малакаларини баҳолашга дидактик жиҳатдан ёндашилган бўлиб, ЎМКХТ ни стандартлаштириш шароитида ўқувчилар касбий тайёргарлигини мажмуавий баҳолашни жорий этишнинг моҳиятини очиб берувчи дидактик талаблар, ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолашга субъектив таъсирини бартараф этиш ҳамда баҳолашнинг объектив усулларини ишлаб чиқиш муаммо сифатида қаралган. “Ўқувчилар касбий тайёргарлигини мажмуавий баҳолаш”, “мажмуавий тестлар тўплами” каби тушунчаларга изоҳлар берилган.

Ф.А. Джумабоеванинг тадқиқот ишида талабалар билимини шакллантириш ва назоратлаш учун технологик тузилган ўқув жараёнида инвариант тест топшириқларини ишлаб чиқиш ва қўллаш мақсад қилиб олинган. Ушбу тадқиқот ишининг янгилиги “инвариант тест топшириқлари назарияси ва янги педагогик технология бирга қўлланишдаги билимлар

Ўзлаштирилиши самарадорлигининг ошиши, шундай бир ягона негизий савол бўйича инвариант тест топшириқлари оиласини ишлаб чиқиш, инвариант тест топшириқларини нафақат назорат учун балки, билимни шакллантиришда босқичма-босқич қўллаш, талабаларбилиминихаҳолашнинг объективлигини таъминлаш учун илмийасослангансиновларидан ўтган сифатли тест топшириқлари қўллашдан иборат”- деб белгиланган[18].

Тадқиқот ишда технологик тузилган ўқув жараёнида инвариант тест топшириқларини яратиш, тахдил қилиш ва қўллашнинг илмий-услубий асоси ишлаб чиқилган: инвариант педагогик тест топшириқларни талабаларни машқлантиришда фойдаланиш методикаси, инвариант тест топшириқларини яратиш ва сифатини тахдил этиш методикаси, инвариант тест топшириқлари адаптив тестлов тизимини барпо этишда қўллаш методикаси таклиф этилган.

У.Ш. Бегимкуловнинг тадқиқот ишларида олий таълим талабалари билимини баҳолашда компьютер тизими ва ўзлаштириш мониторингини ташкил этиш бўйича қуйидаги фикрларни таъкидлаб ўтган:

Компьютер технологиялари тизимида бажариладиган объектив ва субъектив томонларни баҳолашга таъсири билан боғлиқ омилларни аниқлаш лозим бўлади. Бу масалани таниқли методик олим Л.С.Вышотский “педагог бу масалада таълимда ривожланиш жараёни бир йилдан сўнг қандай тус олади, яқин ривожланиш босқичида муаммони ечилиш даражаси қандай кўриниш олади, ривожланиш жараёнининг якуни нима билан тугайди ва ниҳоят етук шахс сифатида қандай хусусиятларга эга бўлади?”- деган саволларга жавоб бера оладиган даражада бўлишини уқтиради.

Ўқувчиларнинг ўзлаштирганлик даражасини назорат қилиб баҳолаш масаласи бир қатор чет эл педагог олимлари, амалиётчилари (Т.О. Автайкина[22], Е. П.Алисиевич[24], Е. К. Артишева[27], В.В. Борисова[34], О.И. Беляков[31], В. В. Бянкин[35], П. А. Виноградов[36], О.И. Гербет[39], М. В. Карнаухова[46], А.А. Куприянов[48], И.Я. Лернер[50,51], С.А. Отинова[67], Ю.В. Рьубов[80], А. Ф. Цахоева[94] ва бошқалар) томонидан ҳам тадқиқот ишлари олиб борилган. Тахлиларимиз шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг тадқиқот

ишларида ҳам педагогик назорат ҳамда баҳолаш масаласи асосий объект қилиб олинган.

Бизнингча, ўқувчиларнинг ихтисосликка оид ўзлаштириш даражаларини компьютер воситасида назорат қилиш учун энг аввало ўқув материални дастурлаштиришмақсадга мувофиқ бўлади. Ўқув материалнинг мазмунига кўра дастурлаштириш турлича кўрсаткичлар билан тавсифланади. Масалан, ўқув материалнинг тўлиқ мазмунини қамраб олинишига кўра; вазифани қўйилишининг мантигига кўра; жавобларнинг шаклига кўра ва бошқалар. Лекин шуни таъкидлаш керакки, ҳар қандай тавсифдаги дастурлаштирилган назорат муайян вазифани бажариб дидактик асосланган бўлиши талаб этилади.

А.А.Куприянов, И.Я.Лернер, Ю.В.Рыбьевларнинг тадқиқот ишларида ўқувчиларнинг ихтисосликка оид ўзлаштириш даражасини назорат қилиб баҳолашга бағишданганлигини кўришимиз мумкин. [48; 51;80]

Шу боисдан ҳам биз тадқиқот ишимизда юқорида номлари келтирилган олимларнинг ғоялари, ишлаб чиққан концепцияларидан методологик асос сифатида қўллашни лозим топдик.

Ушбу тадқиқот ишининг амалий жиҳатида кўпгина педагог олимлар, амалиётчиларнинг концепциялари методологик асос қилиб олинган, шу боисдан тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган ғоялар таълим тарбия жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Шунга асосланиб ўқувчиларнинг ихтисосликка оид ўзлаштирилганлик даражасини назорат қилиш ва баҳолашда юқорида келтирилган ўзлаштириш даражаларни асос қилиб олиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз[22].

В.В. Борисова[34], О.И. Беляковлар[32] замонавий педагогикада ўқувчиларнинг ўзлаштирилганлик даражасини компьютер асосида назорат қилиш ҳамда баҳолаш масаласи энг мақбули деб эътироф этишмоқда. Уларнинг тадқиқот ишларида ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини компьютер асосида назорат қилиш ҳамда баҳолаш асосий восита қилиб олинган. Улар компьютер воситасида назорат қилиб баҳолашда олинган натижани ҳаққоний,

кулай, тезкор ва юқори технологик таҳлил қилиш каби имкониятлари мавжудлиги таъкидлайдилар.

Демак, олимларнинг тадқиқот ишларидаги гоёлари, қарашларидан кўриниб турибдики, Республикамиз касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг ихтисосликка оид билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиб баҳолаш масаласи касб-ҳунар таълими тизими олдида турган долзарб вазифалардан бири эканлигини белгилаб беради.

Шундай экан, ўқувчиларнинг ўқув материални ўзлаштирганлиги, уларда шаклланган кўникма ва малакаларни назорат қилиш ҳамда баҳолаш таълим-тарбия жараёнининг таркибий қисми ҳисобланади. Ўқувчиларда касбий кўникма ва малакаларни шакллантиришда ўқитувчидан ихтисослик ўқув предметлари асосларидан чуқур билим бериши, балки уларни ўзлаштириш даражасини ҳаққоний назорат қилиб, баҳолаш ҳам талаб этилади. Бироқ, касб-ҳунар таълим муассасаларида ўқувчиларнинг назарий ва амалий билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ҳамда баҳолаш учун катта имкониятлар мавжуд бўлса-да, бироқ ўқув-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг ўзлаштирганлик даражасини назорат қилиб баҳолаш масаласига долзарб педагогик муаммо сифатида қаралади.

Бу эса касб-ҳунар таълимида ўқувчиларнинг касбий тайёргарлик даражаси республикамизда етарли даражада ишланмаган муаммо ҳисобланади. Шу боисдан ҳам бу муаммо бўйича олиб борилган тадқиқот ишлари сони ҳам унчалик кўп эмас.

Илм фан, техниканинг ривожланиб бориши, ишлаб чиқаришнинг ўсиши барча соҳаларда бўлгани каби таълим-тарбия соҳасида ҳам аниқ, қатъий мезонлар асосида ўқувчиларнинг билим ва хатти-ҳаракат даражасини назорат қилиш ҳамда баҳолаш лозимлигини кун тартибига олиб чиқди.

1.2. Талабаларнинг касбий-педагогик тайёргарлиги сифатини назорат қилишнинг услублари ва шакллари

Жамият тараққиёти илгарилаб борган сари таълим соҳасида фаолият кўрсатаётган ҳар қандай педагогдан чуқур билим, соҳага оид инновациялардан хабардор бўлиш, улардан амалиётда ижодий фойдалана олиш кўникма ва малакаси талаб этилади.

Кичик мутахассис кадрлар тайёрлаш тизимида ихтисослик ўқув предметларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки ихтисосликка оид билим, кўникма ва малакалар ҳамда шахсий фазилатлар асосан ихтисослик ўқув предметларини ўрганиш жараёнида шаклланади.

Ихтисослик ўқув предмети - таълим муассасаларида ўрганилиши кўзда тутилиб, бўлажак мутахассисга иқтисодиётнинг маълум аниқ соҳасида фаолият кўрсатиши учун фан, техника, ишлаб чиқариш фаолияти, санъат кабилардан мақсадга мувофиқ ажратиб олиниб, дидактик ишлов берилган билим, хатти-ҳаракат усуллари ҳамда шахсий фазилатлар тизими.

Ихтисослик ўқув предметларини ўрганишда кўпроқ амалийлик юқори бўлганлиги, ишлаб чиқаришга яқинроқ ҳисобланганлиги сабабли ўзига хослиги умумтаълим фанларидан яққол фарқли эканлигини кўрсатади. Давлат таълим стандарти асосида тузилган ўқув режасидаги ихтисосликка оид (махсус) ўқув фанлар ўзаро боғлиқлигини таъминлаш, ўқув фан дастурларини оддийдан мураккабга қараб тузиш, ўқитишнинг самарали методларини танлаш, ўқув мақсадларини белгилаш ўқувчиларнинг муайян касб бўйича билим ва кўникмаларини ҳосил қилишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларнинг ихтисосликка оид ўқув материални ўзлаштирганлиги, уларда шаклланган кўникма ва малакаларни назорат қилиш ҳамда баҳолаш таълим-тарбия жараёнининг таркибий қисми ҳисобланади. Чунончи, ўқувчиларда касбий кўникма ва малакаларни шакллантиришда ўқитувчидан мутахассислик ўқув предметларидан нафақат асосларидан чуқур билим бериши, балки уларни ўзлаштириш даражасини ҳаққоний назорат қилиб, баҳолаш ҳам талаб этилади. Чунки, назорат қилиш бу фақат таълим-тарбия натижаларини таҳдил қилиш эмас, балки бутун

жараённинг турли босқичларида ўқувчилар билиш фаолиятига раҳбарлик қилиш ҳамдир. Илм фан, техниканинг ривожланиб бориши, ишлаб чиқаришнинг ўсиши барча соҳаларда бўлгани каби таълим-тарбия соҳасида ҳам аниқ, қатъий мезонлар асосида тарбияланувчининг билим ва фаолият даражасини баҳолаш лозимлигини кун тартибига олиб чиқди.

Ватандош дидактик олимларимиз О.Р. Розиков[78] ва маслакдошлари томонидан яратилган Дидактика дарслигида таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг фаолияти, уларнинг ўзаро таъсири натижа шаклланадиган билим, кўникма ва малакаларни даражаларга ажратиб кўрсатганлар. Биз олимларимиз томонидан ишлаб чиқилган назарий гояларга асосландик. Яъни, Таълим жараёнида иштирокчиларнинг ўзаро таъсири орқали янги билим, кўникма ва малакалар шаклланади, олдин ўрганилган билимлар, эгалланган кўникма ва малакалар янги тасаввурлар билан кенгайди. Ўқув фаолиятининг маҳсули таълим жараёнида қўйилган мақсадга таққослаш йўли билан ўлчанади. Шунингдек, таълим натижаси қўйилган мақсадга қанчалик даражада яқинлашса, ўқув-тарбия ишлари шунча самарадор ҳисобланади. Шу боисдан ҳам ўқув материалларини ўзлаштириш даражалари ва шу даражаларга мос натижалар қуйидагича ажратилиши мумкин.

1- даража. Ўқув материалининг умумий тузилмаси ва уни айтиб бериш усулини эгаллаш. Бунда ўқувчилар томонидан ўқув материални ўзлаштириш, яъни ўзлаштирилган билимларни амалиётга тадбиқ эта олиш қобилиятини эгаллашлари лозим.

2- даража. Ўқув материалининг умумий тузилмаси ва уни айтиб бериш усулини янада аниқлаштириш, кенгайтириш. Бу даражада ўрганилган билимлар, уларни айтиб бериш усуллари турли ўқув ҳолатига тадбиқ этилади. Зудлик билан ёки қисқа вақт оралиғида қоидадан далилларга ва аксинча, далиллардан қоидаларга ўтиш, топшириқларни бажариш суръатига қараб таълим жараёни натижаларини белгилаш ўлчови ҳисобланади.

3- даража. Ўқув материални тушунча даражасида ўзлаштириш. Бу

даражада ўқувчи фикрлашидаги онглилик, фаоллик, мустақиллик, ўқув материалига ўқувчининг муносабати, ўз-ўзини баҳолаш таълим жараёни натижаларини белгилаш ўлчови ҳисобланади.

Таълимни назорат қилиш- ўқитиш билан ўқиш фаолиятлари орасидаги тескари алоқани юзага чиқаришдир. Тескари алоқага кўра таълим жараёни натижаси таҳлил этилади, болалар фаолиятидан кемтик жойлар аниқланади ва тўлдирилади.

XX асрнинг иккинчи ярмидан ижтимоий тараққиётнинг мислсиз тезлиги ўқувчиларнинг билими, кўникма ва малакалари даражаларини киска вақт оралиғида холис баҳолаш имконини берувчи, назоратнинг янги усулини яратишни тақоза этди. Ана шу заруратнинг самараси сифатида ўқувчининг билим даражасини аниқловчи рейтинг тизими ишлаб чиқилди.

Шу боисдан ҳам касб-хунар таълимидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида тегишли идоралар, вазирликлар томонидан қатор ҳуқуқий, ўқув-меъёрий ҳужжатларни қабул қилиниши бу муаммонинг долзарблиги белгилайди.

Мазкур ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг мақсади-Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунлари ҳамда “Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-хунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорларининг бажарилишини таъминлаб асосан академик лицейлар ва касб- хунар коллежлари ўқувчиларининг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизимини тартибга солишни назорат қилишнинг рейтинг тизими барча академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида жорий этилиши ушбу Низом асосида амалга оширилишини кўздатулади[1;2]. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 19 майда 1812- сони билан рўйхатга олинган Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 2008 йил 30 апрелдаги 01-148Қ/Қ, 118,16/ҚҚ- сон қарори

билан тасдиқланган “Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисида” ги Низоми қабул қилинди.

Ушбу низом ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 16 октябрдаги 400-сон қарори билан тасдиқланган "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Давлат таълим стандартлари"нинг таркибий қисми Д бўлиб, Ўқувчиларининг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими барча касб-ҳунар коллежларида жорий этилади ва Низом асосида амалга оширилиши таъкидланган.

Касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини билим савиясини назорат қилиб баҳолашнинг рейтинг тизими қуйидаги мақсадларни ифодалайди:

а) касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларида Давлат таълим стандартларига мувофиқ тегишли билим, кўникма ва малакапарни савиясини шаклланганлиги даражасини назорат қилиш;

б) ўқувчилар билими, кўникма ва малакаларини баҳолашнинг асосий

тамойиллари: Давлат таълим стандартларига асосланганлик, аниқлик,

ҳаққонийлик, ишончлилик ва қулай шаклда баҳолашни таъминлаш;

в) ўқувчилар билими, кўникма ва малакалари даражаларини таққослаш ва таълим жараёнида ўзаро мусобақа муҳитини яратиш;

г) ўқувчиларнинг фанлар бўйича комплекс ҳамда узлуксиз тайёргарлигини таъминлаш;

д) ўқувчиларнинг ҳар бир фан ва амалиёт турлари бўйича ўзлаштириш даражаларини аниқлаш;

е) ўқувчиларда билим, кўникма ва малакалари савиясини шаклланиш суръатини мунтазам равишда таҳсил қилиб бориш.

Низомга кўра ўқувчиларнинг билим савиясини рейтинг тизимида назорат қилиб баҳолаш учта назорат тури асосида амалга оширилади.

1. жорий назорат - сўровлар, коллоквиумлар, семинарлар, ёзма

ишлар (диктант, баён, иншо) ва тестлар тарзида билимлар, малака ва кўникмалар текширилади;

2. оралиқ назорат - семестр тамом бўлганда ва ўқув дастурининг тегишли бўлими тугаллангандан кейин амалга оширилади. Унинг асосида ўқувчи рейтингги аниқланади. Билимлар, малака ва кўникмаларни баҳолаш учун оралиқ назорат имтиҳонлар, тестлар, синовлар, курс ва малака ишлари шаклида ўтказилади;

3. якуний назорат - академик лицейда, касб-ҳунар коллежида ўқиш тугаллангандан кейин давлат аттестацияси: имтиҳонлар, тестлар, малака ишлари, диплом лойиҳаларини ҳимоя қилиш шаклида амалга оширилади.

Фан тугалланишида якуний назорат тест усулида ўтказилади. Бошқа ҳолларда якуний назоратнинг ўтказилиш тартиби, шакли таълим муассасасининг илмий-педагогик кенгаши томонидан белгиланади.

Ҳар бир курсда ўқиш тугагандан кейин рейтинг назорати натижаларига кўра ўқувчиларни кейинги курсга ўтказиш тўғрисида белгиланган тартибда қарор қабул қилинади.

Рейтинг тизимини жорий қилишда қуйидаги асосий тамойиллар бажарилиши зарур:

а) ҳар бир фан бўйича тегишли кафедралар томонидан маъқулланган вариантлар асосида бошланғич назорат ўтказилади. Бошланғич назорат рейтинг мониторинги ва таҳлил гуруҳи томонидан ўтказилади;

б) ўқув дастурининг мантиқан тугалланган бўлими бўйича ўқувчи албатта баҳоланади ва натижаси ўтиш балидан (3 балл) паст бўлганда қайта назорат белгиланади. Ушбу бўлимларни тегишли кафедралар аниқлайди;

в) якуний назорат кафедралар томонидан тузилган вариантлар асосида рейтинг мониторинги ва таҳлили гуруҳи кузатуви остида

ўтказилади. Семестр мобайнида ўқув юкламаси 24 соатдан кам бўлган фанлардан оралиқ назорат ўтказилмайди.

Ўқувчиларнинг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими асосида ўқувчининг ҳар бир фан бўйича ўзлаштириш даражаси баллар орқали ифодаланади.

Ҳар бир назорат тури қандай шаклда ўтказилишидан қатъи назар, беш (5) баллик ("5", "4", "3", "2") усулда бутун сонлар ёрдамида баҳоланади.

Бошланғич назоратнинг натижаси бошқа назоратдан олинган балларга қўшилмайди. У ўқувчининг семестр давомида ушбу фан бўйича ўзлаштириш суръатини таҳлил қилишда, ўқитувчининг ўқувчилар билан ишлаш фаолиятининг самараси мезони сифатида қўлланилади.

Муайян фан бўйича ўқувчининг семестр мобайнида тўплаши мумкин бўлган умумий бали (К семестр) максимум "5" бални ташкил қилиб, қуйидагича ҳисобланади:

$ЖН+ОН+ЯВ$ _

$К_{свмвстр} =$, бунда:

ЖН - ўқувчининг семестр давомида жорий назорат бўйича бутун сонга яхлитланган ўртача бали,

ОН - ўқувчининг семестр давомида оралиқ назоратлар бўйича бутун сонга яхлитланган ўртача бали.

Агар фаннинг семестр бўйича юкламаси 24 соатдан кам бўлиб, оралиқ назорат ўтказилмаган тақдирда,

$К_{свмвстр} = \frac{ЖН+ОН+ЯВ}{24}$, булади.

Муайян фан ёки ўқув амалиёт бўйича йиллик умумий балл сифатида семестрларда тўпланган умумий балларнинг ўртачаси олинади.

Ҳар бир фан бўйича умумий рейтинг бапл К йиллар бўйича тўпланган умумий рейтинг балларининг ўрта қиймати каби аниқланади (масалан, фан уч йил ўқитилса), Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари

учун ҳам максимал семестр бали "5" балл бўлиб, рейтинг тизимида уларнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиб лойиҳалаштирилади.

Таълим муассасаларида рейтинг тизимини тўлақонли жорий этиш, ўқитувчиларга услубий ёрдам кўрсатиш, рейтинг натижаларини доимий равишда таҳлил қилиб бориш мақсадида услубчи, электрон ҳисоблаш машинаси оператори, кафедра мудирлари, психолог ва бошқа тажрибали ўқитувчилардан иборат рейтинг мониторинги ва таҳлил гуруҳи тузилади. Унга директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари раҳбарлик қилади.

Рейтинг мониторинги ва таҳлил гуруҳи ўз фаолиятини мазкур Низомга мувофиқ амалга оширади.

Ўқувчиларнинг ихтисосликка оид ўқув материални ўзлаштириш натижасида уларнинг касбий тайёргарлик даражасини аниқлаш имконияти пайдо бўлади. Касбий билим, кўникма ва малакалар касбий тайёргарлик жараёнининг асосий компонентлари ҳисобланади.

Янги таҳрирдаги Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “Билим”-объектив борлиқ ҳақидаги ёки муайян (илмий, маданий, маърифий, маънавий, ҳарбий ва б.) соҳаларга оид илмий, амалий маълумотлар, тушунчалар мажмуи; илм. “Кўникма” - бирор ишда орттирилган маҳорат, малака. “Малака” - арабча сўзидан олинган бўлиб, қобилият, истеъдод; хусусият, одат каби маъноларини билдиради. Касбни, ишни яхши ўзлаштириш натижасида орттирилган тажриба, кўникмалар; маҳорат. Шакл - арабчадан олинган бўлиб, кўриниш, расм, тарз, усул деган маъноларини англатади. Шаклланмоқ эса маълум бир шаклга кирмоқ, шакл, тус олмоқ деган маъноларни билдиради. - деб келтирилган. Ватандош олимларимиздан профессор Н. Муслимов касбий шаклланиш жараёнига қуйидагича: “Касбий шаклланиш - шахс камолотининг муҳим жиҳатларидан бири бўлиб, шахснинг фақатгина меҳнат ва касбий фаолиятни танлаш билан боғлиқ эҳтиёж ва қизиқишларини ифодалайди (умумий ривожланиш барча эҳтиёжлар мажмуасини, унинг борлиққа, атрофдагиларга, ўзига нисбатан муносабатлари тизимини ифода этади)”.

Биринчи ҳолатда, касбий шаклланиш шахс ривожланиш шаклларида бири, иккинчидан эса, касбий шаклланиш шахсни ривожлантириш (мустақил таълим ва ўз-ўзини ривожлантириш жараёнларида) воситасида сифатида қаралади. Ҳар икки жиҳат ўртасида «бир бутун - қисм» кўринишдаги тарбия, ижтимоийлашув кабилардан иборат муносабат юзага келади - деб таъкидлайди[9]. Демак, юқорида зикр этилган фикрлардан келиб чиқиб, касбий шаклланиш жараёни олий таълим муассасаси битирувчи талабасига нисбатан қўлланиладиган тушунча бўлиб, касб-ҳунар таълими тизимида ўқувчиларнинг касбий тайёргарлиги тушунчасини қўллаш мумкин ва у ўқувчиларнинг ихтисослик ўқув предметларини ўзлаштириш орқали эришилади деб хулоса чиқаришга асос бўла олади. Бизга маълумки, кичик мутахассисларни касбий тайёргарлиги ихтисослик ўқув предметларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этиб, у умумтаълим ва умумкасбий ўқув предметларига асосланади, назария билан амалиётни бирлигини таъминлайди ҳамда ишлаб чиқариш таълими: ўқув амалиёти ва ишлаб чиқариш амалиётларига асос бўлиб хизмат қилади.

Ўқувчиларнинг ихтисосликка оид касбий тайёргарлиги уларнинг онглилик ва фаоллиги ҳам энг асосий омиллар сирасига киради. Ўқувчиларнинг ўқув материални яхши ўзлаштириши ва уларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш асосида ихтисослиги бўйича амалий фаолиятга йўналтирилади.

Шу боисдан касб-ҳунар таълимида ўқувчиларнинг касбий тайёргарлик жараёнини шартли равишда уч босқичга ажратиш мумкин.

Биринчи босқич: Ўқувчининг касб-ҳунар коллежларидаги касбий билим асосларини ўзлаштириш даври бўлиб, бунда ўқувчилар касб-ҳунарга оид назарий билимларнинг асослари (назарий ўқув ахборотларнинг мазмуни, моҳияти ўзлаштириш) ни тўла ўзлаштириш.

Иккинчи босқич: Ўқувчиларнинг назарий ўзлаштирган билимларига асосланиб, касбий қўникма ва малакаларни шакллантириш

бўлиб, бунда ўқувчиларнинг амалий фаолияти билан боғлиқ бўлган ўқув амалий машғулоти (ўқув устахоналаридаги ишлар, амалий-лаборатория ишларини бажаришга йўналтирилган ўқув машғулоти ва бошқалар).

Учинчи босқич: Мустақил равишда ташкил этиладиган касбий фаолият. Бу жараёнда ўқувчилар касб-ҳунар коллежларида ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини турли босқичдаги ишлаб чиқариш (касб ва ихтисосликка оид ишлаб чиқариш корхоналари, оталик ташкилотлар, бирлашмалар ва б.) амалиётида мустақил равишда илгор тажрибаларни ўрганиш (касбий амалий имтиҳонларга тайёргарлик, битирув малакавий ишларини тайёрлаш) ҳамда таҳлил қилиш орқали тажриба алмашиш.

Ўқувчиларнинг касбий тайёргарлик босқичлари нафақат жараёнлилик омили, балки шаклланишнинг натижаси сифатида ўз аксини топади: бу ўринда айнан нима юзага келиши, таркиб топиши, шаклланиши ва яратилишини акс эттиради.

Ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигига ёрдам берувчи муҳим омиллар куйидагиларни эътироф этиш мумкин:

1. Моддий-техник шарт-шароитлар: ўқув бинолари, ўқув аудиториялари, ўқув устахоналари, амалий-лаборатория жиҳозлари, ўқитиш воситалари ва бошқалар.

2. Ўқув-меъёрий ҳужжатлар: таълим стандартлари, намунавий ва ишчи ўқув режалари, намунавий ва ишчи ўқув дастурлари, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, методик тавсияномалар, қўшимча махсус адабиётлар, кўрсатмали воситалар, дарс ишланмалари ва бошқалар.

3. Муҳандис-педагогларнинг салоҳияти: профессор, доцент, ўқитувчи, малакали ўқув усталари, гуруҳ раҳбари ва техник ходимлар.

4. Таълим-тарбия муҳити: ўқитувчилар, ўқувчилар, раҳбарлар ҳамда ўқувчиларнинг ўзаро муносабатлари, уларнинг мақсадлари бирлиги ва бошқалар.

5. Ташкилий ўқув-амалий фаолиятининг изчил, узлуксиз ҳамда тизимли йўлга қўйилганлиги ва шу кабилар.

Ўқувчиларнинг касбий тайёргарлиги ўқитувчидан ўқув машғулотларни замонавий педагогик технология элементларидан фойдаланиб ташкил этиш бугунги куннинг асосий вазифаси бўлиб, ўқув машғулотлар жараёнида муаммоли вазиятларни қўя олиш ва шу вазиятга ўқувчиларни қизиқтира олиши талаб этилади. Чунки муаммоли вазиятлар ўқувчиларнинг фикрлашга, мустақилликка, ижодкорликка, фаолликка ва шу кабиларга ундайди. Ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаоллигини оширишга хизмат қиладиган яна бир омил бу ўқув предметларининг ўзаро алоқадорлиги бўлиб, у қуйидаги вазифаларни бажаради: илмий дунёқарашни ошириш; ўқув ахборотларни кетма-кет ва тизимли ўзлаштириш; тарбиялаш; методик ёрдам ва шу кабилар. Ўқитувчи ўқув машғулотларида узатадиган ҳар қандай ўқув ахбороти ўқувчиларни касбий шакллантиришга хизмат қилишини унутмаслиги даркор. Шу боисдан ҳам касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларнинг касбий тайёргарлик даражаси тайёрлов йўналишлари ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқариш амалиётлари тўлиқ тугагандан сўнг Давлат аттестациясини ўтказиш орқали аниқланади. Ўқувчиларнинг касбий тайёргарлик даражасини аниқлашда ўқув-ишлаб чиқариш ишлари сифати, меҳнат унумдорлиги, ўқув ишлаб чиқариш ишларини бажариш усул ва услубларига эга бўлиш, меҳнат хаафсизлиги ва ташкил этиш талабларига амал қилиш каби кўрсаткичларга аҳамият бериш талаб этилади.

Сўнги йилларда касб-ҳунар коллежларида касблар бўйича амалий имтиҳонлар ва битирув малакавий (диплом) ишларини ҳимоясини ташкил этиш жорий этилди. Касблар бўйича амалий имтиҳонлар ва битирув малакавий ишларни ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси олий таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази ҳамда Ўзбекистон

Республикаси вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест Марказининг 2009 йил 4 сентябрдаги 39/ҚҚ ва 27/ҚҚ сон “Ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларида якуний давлат аттестациясини ўтказиш тартиби” қарорларига асосланиб касб-хунар коллежларида касблар бўйича амалий имтиҳонлар ва битирув малакавий (диплом) ишларини ҳимоясини ташкил этишдан ўтказилади. кўзланган мақсад битирувчиларнинг касбий тайёргарлигини, иш берувчи томонидан белгиланган, тармоқ таълим стандартида “Касбий тавсифнома” касбга қўйилган талаблар асосида ишлаб чиқилган мезонлар бўйича аниқлаш, натижаларни баҳолаш ва таҳдил қилишдир. Касблар бўйича амалий имтиҳонлар асосан касбларнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда тайёрлов йўналиши бўйича мутахассис фаолият олиб борадиган иш шароити мавжуд бўлган ишлаб чиқариш корхонаси базасида (технологик жараёнлар билан боғлиқ йўналишлар бўйича) ёки таълим муассасасининг ўқув устахонасида ва лаборатория хоналарида ташкил этилади.

Касблар бўйича амалий имтиҳон вазифалари қуйидагилардан иборат:

- иш берувчи талаблари асосида касб-хунар коллежлари битирувчиларининг эгаллаган касб-хунари бўйича асосий кўникма ва малакаларининг шаклланганлик даражасини аниқлаш;
- ишлаб чиқариш жараёнлари билан боғлиқ топшириқнинг қўйилишидан бошлаб уни тўла ҳал қилгунга қадар бўлган жараённи кетма-кетликда амалга ошириш;
- замонавий ишлаб чиқариш ва техниканинг ривожланиш шароитида ўқувчиларни мустақил ишлашга ўргатиш [16].

Касб-хунар коллежларида касблар бўйича амалий имтиҳонларни ташкил этиш ва ўтказиш қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

1 босқич. Давлат аттестация комиссияси (ДАК) таркибини шакллантириш- бу босқичда биринчидан, ДАК аъзоларига таркиби 7 ёки 9 кишидан иборат бўлиб, унинг учдан икки қисми қатнашганда якуний аттестация ваколатли ҳисобланади; иккинчидан, Касб-хунар коллежларида иш берувчи ташкилотларнинг мутахассислари, турдош олий таълим

муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, вазирлик ва идораларнинг соҳа мутахассислари ҳамда турдош касб-ҳунар коллежлари ва мазкур таълим муассасасининг тажрибали, малакали махсус фан ўқитувчилари (Касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари тавсиясига кўра) таркибидан ДАК шакллантирилади; учинчидан, ДАК аъзолари таркибининг камида қирқ фоизини иш берувчи ташкилотларининг вакиллари ташкил этилиши лозим; тўртинчидан, ДАК аъзолари таркиби таълим муассасаси директорининг вазирлик ва идоралар, тегишли олий таълим муассасалари, иш берувчи ташкилотлар ва турдош таълим муассасалари раҳбарларига йўллаган ёзма мурожаатларига уларнинг розилик хати асосида якуний аттестация бошланишидан камида қирқ беш кун олдин шакллантирилади; бешинчидан, ДАК раиси иш берувчи ташкилотлар, шунингдек турдош олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар вакиллари таркибидан танланади; олтинчидан, ДАК раиси комиссия фаолиятини ташкиллаштирилади, унинг хулосалари, қарорларини имзолайди ҳамда ўқувчиларга талабларни бир хиллигини таъминлайди; еттинчидан ДАК ҳар йили якуний аттестацияни ўтказишга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш давридан бошлаб кейинги ўқув йили бошлангунга қадар фаолият олиб боради.

2 босқич. Амалий имтиҳон топшириқларини ишлаб чиқиш;

Касблар бўйича амалий имтиҳон топшириқ вариантлари иш берувчи корхона ва ташкилотларининг етакчи мутахассислари, касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими бўйича директор муовини, бош уста, махсус фан ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълим усталари томонидан мажмуавий ишлар кўринишида танланади. Касблар бўйича амалий имтиҳон давомида ўқувчилар томонидан ушбу кўникма ва малакалари кўрсатиб беришлари учун ишлаб чиқариш билан боғлиқ амалий топшириқлар ишлаб чиқилади. Тайёрлов йўнапишлари бўйича ўқувчиларнинг касблар бўйича амалий имтиҳонларни топширишда топшириқ вариантларининг танлаш имконияти гуруҳдаги ўқувчилар сони нисбатанига боғлиқ.

Топшириқ вариантлари мазмуни эгалланаётган касбнинг хусусиятидан ва малака талабларидан келиб чиқиб, мавжуд моддий техник баъза, хом ашё материаллари, касблар бўйича амалий имтиҳонларни ўтказишга ажратилган вақт меъёрларини асосида ишлаб чиқилади.

Топшириқ вариантлари қуйидаги талабларга жавоб бериши зарур:

- иш берувчилар томонидан касбнинг малака тавсифномасига қўйиладиган талабларига мос келиши;

- Давлат тармоқ стандартида белгиланган касбий билим, кўникма ва малакалари билан мувофиқ бўлиши;

- ўқув режасида кўрсатилган, эгалланаётган касбларнинг ҳар бирига оид вазифалар бўлиши.

Касблар бўйича амалий амалий имтиҳон топшириқларини ишлаб чиқишда мутахассисликка оид эгаллаши мумкин бўлган касблари бўйича ўзаро умумлашган амалий вазифалар берилиши ҳам мумкин.

Ҳар бир топшириқни бажаришда ўқувчилар учун топшириқ варақаси ишлаб чиқилади. Топшириқ варақасида топшириқнинг масади, кутилаётган натижалар, топшириқ таснифи, бажариш босқичлари ва ҳар бир босқич бўйича вазифалар кўрсатиб берилади.

1босқич. Амалий топшириқларни бажариш учун тегишли шарт-шароитлар яратиш;

Касблар бўйича амалий имтиҳонларни самарали ўтказишда иш ўрнини тўғри ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Касб-хунар коллежларидаги тайёрлов йўналишлари бўйича кафедра ёки бўлим мудирлари томонидан касблар бўйича амалий имтиҳон топшириқ вариантлари асосида уларни бажариш учун зарур хом ашё материаллари (миқдори, сифат даражаси), чизмалар, технологик харита, ўлчаш ва кесиш асбоб-ускуналари (номи, маркаси ва сони) рўйхати аниқланади.

Ишлаб чиқариш гаълими бўйича директор ўринбосари раҳбарлигида амалий имтиҳон топшириқларини бажариш учун ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотларида ёки касб-хунар коллежининг ўқув устахона ва лаборатория

хоналарида синов майдонларини ва уларда иш ўринларини ташкил қилинади. Ҳар бир иш ўринларида имтиҳон давомида ўқувчилар томонидан бажариладиган топшириқ номлари келтирилади ва уларни бажариш учун зарур бўлган барча асбоб-ускуна, техник хужжатлар, хом-ашё материаллари имтиҳон бошланишидан олдин тайёрлаб қўйилади.

Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари якуний давлат аттестацияси бошланишидан 3 ой олдин тайёрлов йўналишлари учун амалий имтиҳонларни топшириш бўйича маслаҳатлар бериш ва имтиҳонларни ўтказиш жадвалини ишлаб чиқади. Битирувчилари ушбу жадваллар асосида касб-ҳунар коллежи ўқув устахоналари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарида амалий имтиҳонларни топшириш учун тайёргарлик кўриб боради.

Касблар бўйича амалий имтиҳонлар бўйича битирувчиларга тайёрлов йўналишлари бўйича тегишли кафедра ёки бўлимларнинг тажрибали махсус фан ўқитувчилари, ишлаб чиқариш таълими усталари маслаҳатлар олиб боришади.

1- **босқич.** Касблар бўйича амалий имтиҳонларни ўтказиш.

Касблар бўйича амалий имтиҳон бошланишидан олдин Давлат аттестация комиссияси томонидан ўқувчиларни амалий топшириқлар мазмуни, техник шартлари, амалий ишни бажаришга ажратилган вақт, техника хавфсизлик қоидалари ва баҳолаш мезонлари билан таништирилади.

Касблар бўйича амалий имтиҳон топшириқларини бажариш учун умумий 3 соатдан кам бўлмаган вақт берилади

Касблар бўйича амалий имтиҳон натижалари амалдаги “Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом”га мувофиқ баҳоланади.

Касблар бўйича амалий имтиҳонларни муваффақиятли топшира олган ўқувчиларни битирув малакавий ишларини ҳимоя қилиш учун руҳсат берилади. Касблар бўйича амалий имтиҳонга узрли сабабларга кўра қатнаша олмаган ёки имтиҳондан “қониқарсиз” баҳо олган ўқувчилар Давлат

аттестация комиссиясининг қарори билан истисно тариқасида малакавий битирув иши ҳимоясига қатнашишга рухсат берилади.

Касблар бўйича амалий имтиҳон хужжатлари имтиҳондан сўнг таълим муассасасида 4 йил давомида сақланади.

Бигирув малакавий иши ўқувчиларнинг мустақил иши ҳисобланиб, унинг натижасига асосан Давлат аттестация комиссияси ўқувчиларга кичик мутахассис малакасини беради.

Битирув малакавий ишининг мақсади - касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг умумкасбий ва мутахассислик фанлари бўйича олган назарий билим ва амалий кўникмаларини ишлаб чиқариш шароитига тадбиқ этиш учун етарлича билимларга эга бўлиши, уларни таҳлил қила олиш ва умумлаштиришдан иборат.

Давлат аттестация комиссияси битирувчининг мутахассислиги бўйича ғоявий-сиёсий, назарий ва амалий тайёргарлик даражасини аниқлайди ва унинг тайёргарлик ҳолатини давлат таълим стандартлари талаблари асосида баҳолайди.

Битирув малакавий иши ҳимоясида ҳар бир ўқувчига ўз ишини тақдимот қилиши учун 15-20 минут вақт ажратилади.

Давлат аттестация комиссияси аъзолари ҳимоя вақтида ўқувчиларга мутахассислиги бўйича ёки битирув малакавий иш мавзусига оид саволларни бериши мумкин.

Битирув малакавий иш ҳимоясининг баҳоси Давлат аттестация комиссиясининг мажлисида очиқ овоз бериш йўли билан кўпчилик овоз билан ҳал этилади.

Биринчи боб бўйича хулоса

Мазкур бобда билдирилган фикр-мулоҳазаларга таянган ҳолда куйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларнинг ўзлаштирганлик даражасини назорат қилиш ҳамда баҳолаш муаммоси касбий таълим

тизимида малакали мутахассисларни тайёрлаш жараёнида ўзига хос долзарблик касб этади. Мазкур муаммонинг назарий-методологик асосларини таҳлил қилиш, уларни ўқувчиларни касбий тайёргарлик даражасига нисбатан тизимли ёндашув жараёнининг самарали ташкил этилишига имкон беради.

2. Ҳозирги пайтда ўқувчи шахсни ривожлантиришнинг етарлича назарий асослари яратилган. Ўқувчининг касбий фаолиятга киришиш даражаси унинг ижтимоий-психологик жиҳатдан муваффақиятга эришуви даражасини, бу эса охир оқибатда бутун жамиятнинг равнақини белгилаб беради.

3. Касб-ҳунар таълимида ўқувчиларнинг ўзлаштирганлик даражасини назорат қилиш ҳамда баҳолаш педагогик муаммо эканлиги аниқланиб, диссертацияда муаммосини ҳал қилишнинг мақсад ва вазифалари ҳамда таълим-тарбия жараёни моҳиятини белгилаш асосида тадқиқотнинг илмий аппарати шакллантирилди. Муаммо моҳиятини ёритишда ўз даврининг етук педагогик олимларининг тадқиқот ишлари билан ҳозирги пайтда касб таълими назарияси ва амалиётини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиб келаётган ватандош олимларимизнинг ғоялари бир қаторда тадқиқ қилинди.

4. Касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган ўқувчиларнинг ўзлаштирганлик даражасини назорат қилиш ҳамда баҳолаш жараёнининг амалдаги ҳолати таҳлил қилиниб, уларнинг касбий тайёргарлигида қуйидаги таркибий қисмлар муҳим аҳамиятга эга: мотивацион хислатлар; интеллектуал салоҳият; иродавий сифатлар; ҳиссий сифатлар; амалий кўникмалар; ўз-ўзини бошқара олиш лаёқатига эгаллик.

5. Касбий тайёргарлик босқичлари нафақат касбий таълимнинг жараёний омили, балки шу жараёнининг натижаси сифатида ўз ифодасини топади.

II БОБ. БЎЛАЖАК КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ БИЛИМ, КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАРИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА БАҲОЛАШ МЕТОДИКАСИ

2.1. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш асослари

Узлуксиз таълим тизимида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини шаклланганлик даражалари педагогик назорат орқали аниқланади.

Педагогик назорат (ПН) - педагогик тизимнинг муҳим компоненти ва таълим-тарбия жараёнининг ажралмас таркибий қисми бўлиб, унинг натижаси ўқувчиларнинг ўзлаштиришларини баҳолаш ҳисобланади. Баҳо ўқувчилар фаолиятининг аниқ педагогик тизим талабларига мувофиқлигини белгилайди.

Баҳолаш тушунчаси манбаларда турлича изоҳланган бўлиб, ўзига хос тавсифга эга.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида баҳолаш тушунчаси- ижтимоий ҳодисалар, инсон фаолияти, хулқига бўлган муносабат, уларнинг аҳамиятини, муайян ахлоқ меъёрлари ва тамойилларига мослигини кўрсатиш (маъқуллаш ёки қоралаш, рози бўлиш ёки танқид қилиш ва ҳ. к).

Инсоннинг ижтимоий мавқеи, дунёқараши, маданий савияси, ақлий ва ақлоқий камолоти билан белгиланади. Бошқа томондан эса, қилинган ҳаракат сабаблари, унинг қандай шароитда бажарилганлигини, шахс хулқидаги ўрнини ҳисобга олиш бу шахсга тўғри баҳо беришнинг зарур шартидир.

дебтаърифланиб, баҳолашнинг фалсафий хусусиятлари изоҳланган.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида назорат - бирор ишнинг, нарсанинг аҳволи, бориши, кишининг юриш-туриши ва ш.к. устидан доимо кузатиш, текшириш; контрол деб изоҳланган. Бундан кўринадики, ўқувчиларнинг ўқув предметлари бўйича ўзлаштириши зарур бўлган билим, кўникма ва

малакалари ҳамда шахсий фазилатларини мунтазам назорат қилиб бориш, кузатиш орқали таълим-тарбия жараёнини янада такомиллаштириш имконияти, шарт-шароит яратилади.

Баҳо - Баҳолаш тушунчасига ўзакдош бўлиб, таълим муассасаларида ўзлаштириш даражасини белгилайдиган балллар тизимидир. Демак, баҳолаш - ўқувчиларнинг ўқув предметларига оид ўқув дастурларида белгиланган мазмунини ўзлаштирганлик даражасини белгиланган кўрсаткичлар, талаблар асосида қўйиладиган баллдир.

Баҳолаш методлари: Осиё тараққиёт банки “1737- Ўзб” “Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида яратилган, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқитувчилари ва амалиёт усталари мапакасини ошириш ва тренерлар тайёрлаш бўйича ўқув методик кўлланмада **баҳолаш**, таълим жараёнининг маълум босқичида ўқув мақсадларига эришилганлик даражасини олдиндан белгиланган мезонлар асосида ўлчаш, натижаларни аниқлаш ва таҳлил қилишдан иборат жараёндир деб таърифланган[54;55].

В.С. Кукушкин “Баҳолаш - педагогикада ўқувчи ёки синфни яхлит ҳолда ўқув фаолиятини, мавжуд билим, кўникма ва малакаларни ҳажми ва сифатини қабул қилинган талаблар, меъёрлари асосида натижаларини тавсифлаш учун қабул қилинган тушунчадир” дея эътироф этади[47].

А.А. Куприяновнинг тадқиқот ишларида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиб, баҳолаш таълим жараёнининг таркибий қисми бўлиб, ўқувчиларнинг ўқув материалларини ўзлаштирганлик даражасини аниқлаш учун хизмат қилади[48].

Л.Г. Семушина назорат ва баҳолаш тушунчасини “таълим жараёнида таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи ва услубий вазифаларни ўқувчилар томонидан бажарилишини текширишдир”- деб изоҳлашади[82].

Ф.Г. Мамбетовнинг тадқиқот ишида “Комплекс баҳолаш, назарий ва амалий таълим жараёнида ўқувчиларнинг касбий билим, кўникма ва

малакаларини шаклланганлик даражасини бир вақтнинг ўзида аниқлашдир” деб таърифланган[56].

Ҳ.Қ. Мадрахимов, О.Т. Парпиевлар томонидан ишлаб чиқилган ўқувчилар касбий кўникма ва малакаларини баҳолаш номли тавсияномасида “Баҳолаш бу ўқувчилар меҳнатига эътибор ва рағбат ҳисобланиб, уларнинг меҳнатига тўғри баҳо бериш, ҳар бир ютукни эътибордан четда қолдирмаслик, янги-янги зафарлар сари интилишга ундаш, руҳлантириш, касбга қизиқишни ошириш, ўзига нисбатан ишонч каби ҳислатларни мустаҳкамлайди” - деб изоҳлашган[54].

Демак, биз юқорида келтирилган таърифлардан умумий хулосага келган ҳолда баҳолашни қуйидагича таърифлаш лозим ҳисоблаймиз

Баҳолаш - таълим-тарбин жараёнида таълим берувчи ёки таълим муассасаси томонидан таълим олувчининг ўқув фаолиятини, уларда мавжуд ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни шаклланганлик даражаси сифатини қабул қилинган талаблар, мезонлар асосида таҳлил қилиш ва ўлчашдан иборат.

Ўқувчиларда ўзлаштирилган билимларни назорат қилиш ва баҳолашнинг ҳолати кўп қиррали эканлиги турли тадқиқотчилар томонидан хилма-хил жиҳатларда кўриб чиқилганини таъкидлаш мумкин. Жумладан, ўқув жараёнида билимларни назорат қилиш ва баҳолаш вазифалари, шаклланаётган билимлар, кўникма ва малакаларга талаблар, ўқувчиларни назорат қилиш услублари, анъанавий ўқитиш тизимида билимларни ҳисобга олиш турлари каби тадқиқот ишлар жуда катта гуруҳни ташкил этади (М.И. Зарецкий, И.И. Кулибаба, И.Я. Лернер, Е.И. Перовский, С.И. Руновский, М.Н. Скаткин ва б.). Мазкур тадқиқот ишларида билимларни текшириш ва баҳолашнинг назорат қилувчи, ўргатувчи ва тарбияловчи вазифалари кўрсатилган ҳамда билимларни ёзма, оғзаки, график ва амалий назоратни, шахсий фронтал, мавзуга оид ва якуний сўрашни амалга ошириш методикалари очиб берилган.

Ўқитиш натижаларини баҳолашни илмий асослаш шуни англатадики, бунда далилларга асосланган ва ташқаридан кузатиладиган истаган белгилар эмас, балки муҳим алоқаларнинг тавсифи ётувчи далилларга асосланганлик тушунилади.

Педагогик назорат орқали ўқувчилар фаолияти таҳлил этилиб, уларнинг хато ва камчиликлари тузатилади ҳамда баҳоланаётган ўқувчи фаолияти бошқа ўқувчилар учун мавзунини такрорлаш вазифасини ҳам ўтайди. Бундан ташқари ўқитувчи ўқувчиларни баҳолаш орқали уларнинг фаолиятига ўзининг бефарқ эмаслигини ҳам намоён этади.

Баҳолаш - бу ўқитилганликни ўлчаш жараёнидир, баҳо-ўқитилганлик натижаси эканлигини инобатга олсак, таълим тизимида қўлланиладиган жорий назорат ёки махсус текширувда (синов, имтиҳон, билимларни тест синовидан ўтказишда) қўйиладиган баҳолар ёки баллар тизими кўпинча олинган баҳоларни ҳисоблаш асосида ўзлаштириш деган тушунчага қараб иш кўрилади. Бу тавсифларнинг ҳаммаси фақат билимлар, кўникмалар ва малакаларгина эмас, балки бутун ўқитишнинг ҳам умумийлаштирилган кўрсаткичи деб ҳисобланади. Лекин, тадқиқотлар, кузатувлар шуни кўрсатадики, назорат қилиш ёки баҳолашнинг анъанавий услубларини таҳлил қилиш, таълим сифатини баҳолаш тизими педагогик ўлчашларнинг

объектив услубларига таянмаслигини кўрсатади, шунинг учун таълим жараёнида сифат кўрсаткич етарлича талқин қилинмайди.

Билим, кўникма ва малакаларни назорат қилиш ёки баҳолаш масаласида иккита турлича жараён билан иш кўришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: **биринчидан**, билимлар даражасини аниқлаш жараёни;

иккинчидан, мазкур жараённинг қимматини белгилаш жараёни.

Булардан фақат иккинчиси баҳолаш ҳисоблансада, биринчиси таққослашда амалга ошириладиган ўлчашдир. Бунда бошланғич даража эришилиши лозим бўлган даража (эталон) билан таққосланади ва олинладиган натижанинг ўсиши, самарадорлигига қараб баҳолар танланади.

Кузатишнинг кўрсатишича, айнан бир хил ўқувчиларнинг билимлари ўқитувчилар томонидан ҳар хил баҳоланади ва ўқувчиларнинг айнан битта гуруҳи учун баҳоларнинг қийматидаги фарқ анча катта бўлади. Билимларни назорат қилишнинг қониқарсиз ташкил этилиши таълим самарадорлиги пасайишининг сабабларидан бири бўлади.

Билимларни баҳолашнинг субъективлиги маълум даражада билимлар тизимини назорат қилиш услубларини етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги билан боғлиқ. Кўпинча мавзу, курс ёки унинг бўлақларини баҳолаш шакллантирилаётган билим, кўникма, малакалар бутун тизимнинг ўзлаштиришини акс эттирмаслиги мумкин бўлган айрим, кўпинча иккинчи даражали элементларни текшириш йўли билан юз беради. Саволларнинг сифати ва изчиллиги ҳар бир ўқитувчи томонидан интуитив (ҳис-туйғулар асосида) равишда ва кўпинча жуда яхши тарзда аниқланмайди. Бутун мавзунини текшириш учун нечта савол берилиши кераклиги, топшириқларни уларнинг диагностик қиммати бўйича қандай таққослаш кераклиги ноаниқ.

Ўқувчилар билимини баҳолашда психологик омилларни, ўқитувчининг умумий ва махсус тайёргарлигини, унинг шахсий сифатларини (қатъийлиги, жавобгарлик ҳиссини) ҳам ҳисобга олиш лозим. Чунки, булар барчаси маълум даражада билимларни текшириш ва баҳолаш натижаларига таъсир кўрсатади. Педагогнинг шахсий сифатлари ўқитишнинг харктериди ҳам, билимларни текшириш ва баҳолаш жараёнида ҳам албатта намоён бўлади. Бинобарин, юкорида таъкидлаб ўтилганидек, билимларни баҳолашда ва текширишда субъективликни истисно қилиш муаммоси янада чуқурроқ тадқиқотлар ўтказишни талаб этади.

Бу муаммони тадқиқ этишдаги бошқа бир йўналиш баҳолашнинг тарбиявий вазифаларини ўрганиш билан баҳонинг ўқувчини ўзини-ўзи баҳолашнинг шаклланишига ўқувчиларнинг фанга қизиқишига ва муносабатига таъсирини ўрганиш билан боғлиқ. Ўқитувчининг баҳосига ўқувчи рози бўлганидангина у яхши тарбиявий самара беришини тадқиқотчилар аллақачон аниқлашган. Шундай қилиб, ўқувчиларнинг

билимларини текшириш ва баҳолаш жуда кўп объектив ва субъектив омиларга боғлиқ бўлади.

Билимларни текшириш ва баҳолашнинг таълимий аҳамияти шундан иборатки, бунда ўқув материалнинг ўзлаштирилганлиги ҳақида таълим берувчи ҳам, таълим олувчи ҳам муайян маълумотга эга бўлади. Баҳолаш натижасида, таълим берувчи учун таълим олувчиларнинг нимани билиши ва нимани тушунмаслиги, қайси материал яхши ўзлаштирилгану қайси бири ҳали етарли даражада ўзлаштирилмаганлиги ёки умуман ўзлаштирилмаганлиги маълум бўлади. Бу таълим олувчининг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш учун асос бўлиб ҳисобланади. Таълим берувчи ўз ишининг афзалликларига ва камчиликларига танқидий баҳо беради. Ўз иш методларига тузатишлар киритади. Шунингдек, баҳолаш натижалари таълим берувчининг ўқув дастуридаги материалларни таълим олувчиларнинг билиш имкониятлари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиши ва баҳолаши учун ҳам жуда муҳимдир [102].

Ўқувчиларнинг ўзлаштиришига қараб давлат дастурларининг бажарилиш сифати ҳақида, ўқув фаолиятининг натижалари ҳақида, ўқувчилар олган билимлар, малака ва кўникмалар ҳақида, уларнинг ривожланиш даражаси ҳақида хулоса чиқарилади.

Баҳолаш натижасида тушунча ва қонун-қоидаларнинг қайси бирлари қийин, қайси бирлари эса осон ўзлаштирилиши аниқ-равшан бўлади. Бу таълим олувчининг ижодий тарзда дарсга тайёргарлик кўриши ва ўқув машгулотини ўтказиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Худди шунингдек, таълим олувчига ҳам таълим жараёнида қайси ўқув материални яхши, қайсинисини кониқарли ва нимани ёмон ўзлаштиргани маълум бўлади. Билимларни текширмасдан таълим олувчи ўз билимларини чуқур, ҳар томонлама ва тўғри баҳолашга қодир эмас. Баъзан унга гуё ўқув материални яхши эгаллаб олгандай туюлади, текшириш чоғида эса материални яхши билмаслиги, яхши тушунмаслиги маълум бўлиб қолади. Баҳолаш натижасида, таълим олувчиларнинг ўрганилаётган материалларни билиш,

тушуниш, эсда сақлаб қолиш, англаб олиш, амалда қўллаш олиш, таҳлил қилиш ва ўз билимларига танқидий баҳо бериш даражалари аниқланади. Таълим олувчи ўз билимларининг ижодий тавсифи, касб-хунар коллежида ва уйдаги ишининг услубини такомиллаштириш, билимлари, малака ва кўникмаларидаги ижобий томонларни ривожлантириш, камчиликларни тузатиш имкониятига эга бўлади.

Билимларни, кўникма ва малакаларни назорат қилиш ва баҳолашнинг тарбиявий аҳамияти шундаки, бунда таълим олувчиларнинг ўқишга, ўз ютуқлари ва муваффақиятсизликларига нисбатан муносабати шаклланади, қийинчиликларни енгиш истаги туғилади. Баҳолаш ҳамisha таълим олувчининг шахс сифагида ўзига нисбатан муайян бир муносабатини ҳосил қилади. Таълим берувчи таълим олувчининг ўзига нисбатан муносабатини, туйгуларини, унинг характеридаги иродалилик, ҳамкорлик, ўзаро бир-бирига ёрдам бериш каби сифатларини шакллантиришга эътибор қаратиши лозим бўлади.

Баъзан баҳолаш жараёнида таълим олувчи қўшимча билим, кўникма ва малакаларга ҳам эришади. Таълим жараёнида ўзлаштирмаган тушунчаларининг моҳиятига тушуниб етади. Шу боис, баҳолашни таълим олиш жараёнининг давоми деб ҳам айтиш мумкин.

Таълим олувчи ўртоқларининг, ота-оналарининг унга, унинг коллеждаги ютуқларига ва муваффақиятсизликларига муносабатига ҳеч қачон бефарқ бўлиб қолмайди. Унинг билимларига берилган баҳолар ушбу муносабатни белгилайди. Мана шунинг учун ҳам мақтов, маъқуллаш, танбеҳ бериш, яхши ёки ёмон баҳо қўйиш таълим олувчи шахсининг фазилатларини, унинг тенгдошлари жамоасидаги ва катта ёшдагилар орасидаги мавқеини шакллантиради. Бу, айниқса, ўсмирлар орасида катта аҳамиятга эгадир.

Билимларни назорат қилиш ва баҳолаш давлат аҳамиятига эгадир. Баҳолаш натижаларини умумлаштириб, таълим муассасаси жамоасининг таълим-тарбия соҳасидаги фаолиятига, ўқувчиларнинг умумий ўзлаштириш даражасига баҳо берилади ва тегишли хулосалар чиқарилади. Давлат таълим

стандартларида давлат томонидан қўйилган талаблар нечоғлик бажарилаётганлиги аниқланади.

Натижаларни баҳолаш орқали бир пайтнинг ўзида бутун таълим тизими ва унинг компонентлари текширилиб кўрилиши керак. Бу билан таълим тизимида кутилаётган натижага эришилаётганлик даражаси текширилиб ўлчанади. Билимларни мунтазам баҳолаб бориш таълим режаси, унинг катта-кичик бўлимлари асосида амалга оширилади. Таълим тизими натижалари муайян стандарт меъёри орқали ифодаланади.

Баҳолаш натижасида нафақат таълим олувчининг, балки таълим берувчининг кучли ва кучсиз томонлари, шунингдек, ўқув жараёнидаги камчиликлар ҳам аниқланади. Таълим воситалари, режалар, таълим жараёнини ташкил этиш сифатига ҳам баҳо берилади.

Таълим дастурини қисм-бўлақлар бўйича мунтазам баҳолаб бориш охи-роқибат аниқ ва адолатли баҳоланишнинг шаклланишига олиб келади. Кичик бўлимлар бўйича баҳолаш, жамлаш ва умумлаштириш якуний баҳоланишнинг аниқ бўлишига ёрдам беради. Таълим олувчини мунтазам равишда ўз натижалари тўғрисида хабардор қилиб туриш, унинг мақсад сари интилиши ва истакларини рўёбга чиқаришга ижобий таъсир кўрсатади.

Таълим олувчиларнинг мунтазам назорат қилиш ва баҳолашдан кўзланган асосий мақсад: Таълим жараёнида ўтилган дарсни ўқувчилар қанчалик даражада ўзлаштирганлигини аниқлаш;

Ўқувчиларнинг қизиқишларини аниқлаш;

Ўқитувчи ўзининг ҳам фаолиятини текшириш ва ўз фаолиятига ўзгартиришлар киритиш;

Гуруҳ фаолиятини ўзлаштириш даражасини аниқлаш;

Ўқувчиларни кейинги босқич қизиқишларини ошириш;

Ота-оналарга маълумот бериш учун ва бошқалар.

Таълим жараёнида ўқувчиларни баҳолаш:

1. жорий баҳолаш (таълим жараёни давомида);
2. оралик баҳолаш (ҳар чорақда);

3. якуний баҳолаш (таълим жараёни якунида) амалга оширилади.

Осиё таракқиёт банки “1737- Ўзб” “ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида яратилган, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчилари ва амалиёт усталари малакасини ошириш ва тренерлар гайёрлаш бўйича ўқув методик қўлланмада қуйидаги бешта асосий тамойиллар баҳолаш тизими самарадорлигининг пойдевори ҳисобланади деб таъкидланган, биз келтирилган фикрларни асосли эканлигини инобатга олиб тадқиқот ишимизда келтиришни лозим топдик.

Булар:

- **Ўқув мақсадларига асосланганлик.**
- **Ҳақиқийлик.**
- **Ҳаққонийлик.**
- **Ишончлилик.**
- **Қулайлик.**

1. Ўқув мақсадларига асосланганлик. Самарали баҳолашнинг асосий тамойили ўқув мақсадларига асосланганлик ҳисобланади. Баҳолашнинг сифати ўқув мақсадларига тўғридан-тўғри боғлиқдир. Ўқув мақсадлари баҳолаш мазмунини аниқлаб беради. Ўқув мақсадларининг қўйилиш даражасига қараб, баҳолашнинг шакли ва усуллари танланади. Шунингдек, ўқув мақсадларига эришиш учун бажарилган фаолият натижаси, баҳолаш мезонларини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар қандай баҳолаш тизими лойиҳалаштирилаётганда, баҳолаш топшириқлари берилган таълим мазмуни доирасида бўлиши талаб этилади. Баҳолашни лойиҳалаштириётганда, ҳар доим қуйидаги икки саволни эътиборга олиш лозим:

1. Баҳолаш топшириқлари таълим жараёнидан кўзланган ўқув мақсадларини гўла акс эттирадими?

2. Ўқув мақсадлари даражасига баҳолаш шакллари, усуллари ва мезонлари тўғри танландими?

Масалан, йўл ҳаракати қоидалари бўйича олинган билимларни баҳолашда ёзма тест олиш усули мос келиши мумкин. Лекин ундан машинани бошқариш малакаларини баҳолашда фойдаланиб бўлмайди. Бу малакалар оғзаки ёки ёзма эмас, балки амалий фаолиятга асосланган баҳолаш усули ёрдамида баҳоланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

2. Ҳақиқийлик. Ўқув мақсадида кўзда тутилган натижанигина баҳолашга қаратилган топшириқ ёки тест ҳақиқий ҳисобланади. У баҳоланиши лозим бўлган билим ва кўникмалар соҳасидаги натижаларга қаратилган бўлиши лозим.

Таълим олувчининг эришган натижалари тўғрисида асосланган ва ишончли ахборотлар бериш керак. Ўлчаниши талаб этиладиган нарсаларгина ўлчаниши керак. Таълим олувчи эгаллаган билим, малака ва кўникмалар ҳамда шахсий фазилятларни ўлчаш имконини берадиган методлардан фойдаланиш зарур.

3. Ҳаққонийлик (объективлик). Бир-биридан мустақил таълим берувчилар бир хил таълим олувчиларга берилган бир хил топшириқ ва тестлар бўйича бир хил баҳо берган ҳолдагина мазкур топшириқ ва тест ҳақиқий ҳисобланади. Бу ҳаққонийлик ҳар хил вақтларда берилган баҳолар учун ҳам тааллуқлидир. Ушбу мезонлар кўпинча марказлашган ҳолатда, ўтказиладиган ялпи «расмий тестлар» пайтида амалга оширилади, холос. Таълим берувчи томонидан тузилган тестлар эса, одатда, мазкур талабларни бажармайди.

Таълим берувчининг баҳолашдаги хатоликни таъминлаш учун қуйидагиларга амал қилиш керак:

- Баҳолаш мезонларини аниқ ишлаб чиқиш ва уларни тўғри танлаш.
- Назорат варағини ишлаб чиқиш.
- Баҳолаш усулларини тўғри танлаш.
- Самарали баҳолаш тизимини қўллаш.
- Баҳолаш топшириқларини ва уларга жавобларни имкони борича ёзма равишда ўтказиш ва расмийлаштириш.

4. Ишончлилик. Натижаларни баҳолаш мобайнида ҳар хил усуллардан фойдаланиш мумкин. Лекин бу усулларни танлашга қўйиладиган асосий шарт ишончлилик ҳисобланади. Услуг ишончли бўлиши учун баҳолаш асосли ва аниқ маълумотларга асосланган бўлиши зарур. Бунда топшириқ ёки тестнинг ўрганиш мақсадларини назорат қилишга йўналтирилганлиги қанчалик ишончли эканлиги назарда тутилади.

Баҳолаш ишончли бўлиши учун таълим олувчиларда бир-бирига ўхшаш, ammo ҳар хил шароитларда баҳолаш ўтказилганда, натижалари бир хил бўлиши керак. Баҳолаш методининг ишончилиги турли методларнинг натижалари билан таққослаш орқали аниқланади. Баҳолаш тизими ишончли бўлиши учун турли экспертлар ёрдамида турли вақтларда баҳолаш ўтказилганда, унинг натижалари бир-бирига ўхшаш бўлиши керак.

Баҳолаш ишончилигининг икки томони бор:

1. Баҳолаш усулининг ишончилиги. Агар фойдаланилаётган баҳолаш усулининг ишончилиги юқори бўлса, ўқувчининг ўзлаштириш даражаси баҳолашнинг ҳар хил усулларида фойдаланганда ҳам ўзгармай қолади (олинган натижалар бир хил, ўзгармас бўлади).

2. Баҳолашнинг ўзлаштириш даражасини ҳисобга олиш ишончилиги. Таълим олувчининг ўзлаштириш даражасини баҳолаш усулининг ишончилиги деб, баҳолаш бошқа жойда ва бошқа имтиҳон олувчи томонидан ўтказилганда ҳам, унинг бир хил бўлиши, ўзгармаслиги тушунилади.

Баҳолаш усулининг ишончилилик даражаси қуйидаги ҳолатларда кўпроқ бўлади:

- ҳамма таълим олувчилар қўйилган талабни аниқ тушунса;
- баҳолаш шартлари олдиндан маълум қилинса ва унга риоя қилинса;
- ҳамма натижалар баҳолашнинг олдиндан келишилган мезонларига тўла асосланган бўлса;
- тасодифий хатоларни камайтириш мақсадида мос баҳолаш турлари қўлланилса.

3.Қулайлик. Баҳолаш тизими ўқув мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, ўқув ва ишлаб чиқариш стандартларига мос бўлиши, мураккаб бўлмаслиги, назорат ўтказувчи ва таълим олувчи учун қулай бўлиши лозим. Баҳолашни ўтказишда имкон қадар компьютерлардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Топширик ёки тест пайтида балл бериладиган бўлса, балл бериш ўрганиш мақсадларини назорат қилишга мослаштирилган бўлиши лозим. Бунда мавзунинг муҳимроқ бўлган қисмларига унчалик муҳим бўлмаган қисмларига нисбаган кўпроқ балл бериш керак бўлади.

Баҳолаш тизими ўқув мақсадларига мос бўлиши, шунингдек, баҳолаш шарт-шароитлари ва мақсадлари билан ўқувчилар олдиндан танишган бўлишлари лозим. Таълим олувчиларга бир хил мураккабликдаги ва ҳажмдаги топшириқлар берилиши керак.

Билимларни текшириш ва баҳолашдаги қуйидаги асосий камчиликлар учраб туради;

-унинг вазифаларини (функцияларини) нотўғри тушиниш:

-таълим жараёнида унинг ролини асоссиз қўтариб юбориш:

-текшириш ва баҳолашнинг дарсда асосий мақсадга айланиб қолиши:

-билимларни текшириш ва баҳолашда бир хил технологиялардан фойдаланиш:

-баҳоларни қўйишда субъективизмга йўл қўйиш ва аниқ, асосланган мезонларнинг' йўклиги:

- ўқувчи билимини текшириш ва баҳолашда бу жараёни назорат қилувчи, таълим-тарбия берувчи муҳим функцияни бажаришини унутмаслик керак.

Баҳолашда учрайдиган хатоларнинг олдини олиш учун қуйидагиларга риоя қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади:

■Баҳолашдагў олдин таълим олувчилар билан талаблар ва баҳо мезонлари муҳокама қилиниши лозим.

■Баҳо мезонларга мувофиқ қўйилгач, таълим олувчиларга маълум

қилинади.

■ Таълим берувчи таълим олувчи билан биргаликда олинган баҳоларнинг натижаларини ва йўл қўйилган хатоларни муҳокама қилишлари ҳамда сабабини аниқлашлари лозим.

Бу назорат қилувчи учун асосий функция бўлиб, таълим берувчи ва тарбиячи функциясидир. Бироқ текшириш мақсади ва кўриниши турлича бўлганда, бу уч функция турлича намоён бўлиши мумкин. Масалан, текширишнинг якуний имтиҳон шаклини оладиган бўлсак (уни ўтказиш турлича бўлиғни мумкин), бунда назорат қилиш функцияси устунлик қилади (таълимга вақт қолмайди).

Ўрганилаётган мағериални ўзлаштириш бўйича жорий текшириш олиб борилса, бу ҳолатда таълим берувчи функцияси устун бўлиши керак. Тарбия функцияси ҳам устун бўлиши мумкин, масалан, ўқитувчи баъзи ўқувчиларни тизимли ишлашга ўргатишга интилади, баҳо билан рағбатлантириб, уларнинг руҳий хусусиятларига (иродасини ривожлантириш, хотирани мустаҳкамлаш ва ҳ.к.) таъсир этишга ҳаракат қилади, меъеридан ортиқча ўзига бино қўйиш ҳолатларида баҳога қатъий ёндашиб иш кўрилади. Умуман олганда, баҳо холис (объектив) бўлиши зарур эса-да, бироқ ўз табиатида кўра ҳамиша нохолис (субъектив)дир.

Ушбу вазифаларга мувофиқ ўқувчилар билимини текшириш ва баҳолашнинг аниқ усуллари танланади.

2.2.Талабаларнинг ихтисосликка оид касбий тайёргарлигини аниқлаш, назорат қилиш ва баҳолаш методикаси

Маълумки, касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларнинг ўзлаштирганлик даражасини назорат қилиш ҳамда баҳолаш низомда кўрсатилган беш баллик рейтинг тизимида амалга оширилади. Рейтинг тизими давлат таълим стандартининг таркибий қисми бўлиб, ўқувчиларнинг ихтисослик ўқув предметлари бўйича дастуридаги билим, кўникма ва малакаларини

шаклланганлик даражасини аниқлайди. Бунда энг юқори (максимал) балл асосий кўрсаткич ҳисобланади. Максимал баллни аниқлаш учун ўқув режасининг ҳафталик юкламасини таҳлил қилиш лозим бўлади.

Ватандош педагог олимларимиздан Д. Раззоқов умумтаълим мактабларида ўрганиладиган “Меҳнат таълими” ўқув предметига оид ўқувчиларни ўзлаштириш даражасини рейтинг тизимида баҳолаш масаласи келтирилган[76]. Биз ушбу олимнинг фикрларига асосланиб,

ўқувчиларнинг ўзлаштирганлик даражасини касб-ҳунар таълими жараёнида қўллашни лозим топдик. Демак, ўқувчиларнинг билимини, дастлабки кўникма ва малакаларини назорат қилиш ҳамда баҳолаш учун жорий назорат максимал 5 балл, оралиқ назорат эса ихтисослик ўқув предметининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда балл миқдорини белгиланади. Чунки ихтисослик ўқув предмети кўпроқ амалийликни талаб этади. Шу боисдан ҳам ихтисослик ўқув предметларини ўрганиш жараёнида ўқувчиларнинг касбий шаклланиш жараёни амалга оширилади. Якуний назораг баллини семестрда белгиланган оралиқ назоратлар ҳисобидан ўқитувчининг ўзи белгилайди. Якуний назоратда ўқувчилар ихтисосликка оид ўзлаштиришларини назорат қилиш ҳамда баҳолаш билан бирга уларнинг жорий ва оралиқ назорат натижаларининг ҳам ҳаққонийлигини аниқланади. Якуний назорат топшириклари давлат таълим стандарти талаблари асосида тузилади.

Ўқувчининг ихтисосликка оид ўзлаштиришининг якуний рейтинги унинг тўплаган ҳақиқий рейтинг бали билан максимал балга фоиз нисбати қуйидаги формула бўйича чиқарилади:

$$P_{\text{якуний}} = \left(\frac{P_{\text{ҳаққоний}}}{P_{\text{максимал}}} \right) \cdot 100\%$$

Ўқувчиларни умумтаълим ва умумкасбий ўқув предметларидан ўзлаштиришларни назорат қилиш ҳамда баҳолашга нисбатан ихтисосликка оид ўзлаштиришларини назорат қилиш ҳамда баҳолашда назорат

методларини танлашда фаолият турларининг хилма-хиллиги, ўлчаниши лозим бўлган кўрсаткичларнинг кўплиги, ўқувчиларни бир вақтда назоратдан ўтказиш ва натижаларини тезкор олишни мураккаблиги каби қийинчиликлар мавжуд. Шу боисдан ҳам таҳлилларимиз шуни кўрсатмоқдаки, ўқувчиларнинг ўзлаштирганлик даражасини назорат қилиш ҳамда баҳолашда кўп ҳолларда тестлардан фойдаланиш кузатилмоқда. Бу бир томондан ўқитувчи учун энгилликдир, сабаби, қисқа вақт ичида гуруҳдаги ўқувчиларни барчасини ўзлаштирганлик даражасини аниқлаш имконини беради. Лекин, касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган ўқувчиларнинг касбий тайёргарлиги фақат назарий жиҳат ўзлаштирганлиги билан белгиланмайди. Чунончи, касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларнинг касбий тайёргарлиги кўпроқ амалиёт билан боғлиқлиги келиб чиқади. Шунинг учун ўқувчиларнинг ихтисосликка оид касбий ўзлаштирганлик даражасини назорат қилиш ҳамда баҳолашда ўқитувчидан юқори даражадаги педагогик маҳорат талаб этилади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ўқувчиларни ўзлаштирганлик даражасини назорат қилиш ва баҳолашда оқилона йўл тутилиб, методик жиҳатдан тўғри ёндашилганда у ўқувчининг қизиқиши ҳамда ўқишга бўлган ҳоҳишини рағбатлантириш ва аксинча нотўғри қўлланилган ҳолларда ўқувчининг ўқишига салбий таъсир этиши мумкин. Назорат ва баҳо тарбиявий воситаларидан бири бўлмоғи даркор. Шунинг учун ҳам ўқувчиларни назорат қилиб баҳолашда ўқитувчининг ниҳоятда объектив бўлишини талаб этади. Баҳонинг ниҳоятда ошириб ёки пасайтириб юбормаслик керак. Бу ўқувчининг психологик ҳолатига таъсир кўрсатади. Унинг ўз кучга ҳаддан зиёд ишониши ёки аксинча ўзининг ишончини йўқотади, ўқишга қизиқиши пасаяди.

Кўп ҳолларда ўқитувчилар ўқувчиларнинг интизомига оид камчилик (кечкикиб келиши, машғулотларга катнашмаслик, машғулотда гаплашиб ўтириш ва ҳокозалар) лари учун баҳони камайтириш каби хатога йўл

кўядилар. Бу ўринда ўқитувчи тарбиявий таъсир кўрсатишнинг бошқа воситаларидан фойдаланиши лозим.

Бундан ташқари ўқувчиларнинг ихтисосликка оид ўзлаштирганлик даражасини назорат қилиб баҳолашда унинг мақсадларини тўғри қўйилиши ҳам ўзига хос аҳамият касб этади. Назорат қилиш ва баҳолашнинг мақсадларини таълим босқичлари кесимида амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Назорат қилиб баҳолаш мақсадлари ҳам дарс мақсадлари сингари қуйидаги босқичларда амалга оширилади ва уни қуйидагича тасвирлаш мумкин. (2.2.1. расмга қаранг)



2.2.1 - расм. Назорат қилиш ва баҳолашнинг мақсадлари

Ушбу расмдан кўриниб турибдики, ўқувчиларнинг ўзлаштирганлик даражасини назорат қилиш ҳамда баҳолашда узлуксиз таълим тизимининг бош мақсад қилиб олинган. Чунки, узлуксиз таълим тизими кесимида назорат қилиш ҳамда баҳолашнинг мақсади - ўқувчиларнинг касбий тайёргарлик даражасини белгилаб беради ва уларни меҳнат бозори шароитида рақобатлаша оладиган малакали кичик мутахассис сифатида фаолият кўрсатишига асос бўлиб хизмат қилади.

Касб-хунар коллежлари кесимида назорат қилиш ҳамда баҳолашнинг мақсади - аниқ тайёрлов йўналишлари, касб ва ихтисосликлар бўйича ўқувчиларнинг касбий тайёргарлик даражасини белгилаб беради.

Умумтаълим, умумкасбий ва ихтисослик ўқув предметлари бўйича назорат қилиш ҳамда баҳолашнинг мақсади - ўқувчиларнинг шу ўқув предметларига оид зарур ва етарли даражадаги билим, кўникма ва малакаларини шаклланганлик даражасини, яъни давлат таълим стандартига мувофиқлигини аниқлашга имкон беради.

Ишлаб чиқариш таълими: ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти кесимида назорат қилиш ҳамда баҳолашнинг мақсади - ўқувчиларнинг умумтаълим, умумкасбий ва ихтисослик ўқув предметларидан ўзлаштирган билим, касбий кўникма ва малакаларини шаклланганлик даражасини, яъни амалиётда кўллаш, қисқа қилиб айтганда уларнинг кейинги касбий фаолиятга тайёргарлигини аниқлашни кўзда тутди.

Бўлим, боб, мавзулар кесимида назорат қилиб баҳолашнинг мақсади - ўқувчиларнинг бўлим, боб, мавзуларга оид ўқув материалининг мазмунини ўзлаштирганлик даражасини аниқлашни назарда тутди.

Машғулот (дарс) лар кесимида назорат қилиш ҳамда баҳолашнинг мақсади - одатда ўқувчиларнинг жорий назорати ҳисобланиб, бунда уларнинг аниқ бир машғулот ва унинг маълум босқичидаги фаоллигини ошириш ва ўзаро мусобақа муҳитини яратиш каби ларни назарда тутди.

Демак, таълим-тарбия жараёнининг ҳар бир босқичида ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни назорат қилиб

баҳолашнинг ўқитувчи томонидан тўғри лойиҳалаштирилса, пировард натижада рақобатбардош малакали кичик мутахассис тайёрлаш имконияти пайдо бўлади.

Ўқувчиларнинг назарий ўқув материалларини ўзлаштириш даражаларини назорат қилиш ҳамда баҳолашда ўқув материалнинг мураккаблик даражасига кўра биринчи даражали ёки кўп даражали тестлардан ҳамда назорат карточкаларидан фойдаланиш мумкин.

Даражали тестлар уларнинг хусусиятлари ҳақида олдинги фаслларда батафсил тухталиб ўтганмиз. Шу боис биз ўқувчиларнинг назарий ўзлаштириш даражасини назорат қилиш ҳамда баҳолашда коллоквиум методига тухталиб ўтамиз.

Педагогик атамалар луғатида “Коллоквиум” (лот. суҳбат, сўзлашиш) - 1) таълим тизимида талабаларнинг билим даражасини аниқлаш ва ошириш мақсадида ўтказиладиган ўқув машғулоти шаклларида бири; 2) маърузалар тингланиб, муҳокама қилинадиган илмий йиғилиш; 3) ўқувчилар билим даражасини аниқлаш мақсадида ўқитувчининг улар билан амалга оширадиган мулоқоти. - деб келтирилган.

Ўқувчиларни коллоквиум методи орқали ўқув материални ўзлаштиришини назорат қилиш ҳамда баҳолашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у таълим-тарбия сифатини ошишига хизмат қилади. Бунда ўқитувчи назорат саволлар (карточкалар) ини гуруҳдаги ҳар бир ўқувчи учун ёки ўқув материалнинг мураккаблигига қараб кичик гуруҳларга мослаб тайёрлайди, сўнгра гуруҳдаги ўқувчиларга тарқатилади. Бунда ҳар бир ўқувчи назорат саволларига жавоб бериши лозим бўлади. Бунда ўқувчилар томонидан

берилган жавобни баҳолашда қуйидагиларни баҳолаш мезони қилиб олиш мақсадга мувофиқ:

- Ўқув материални аниқ баён қила олиши;
- Мантиқан тугалланганлиги;
- Кетма-кетлиги;

-Шахсий фикр ва унинг илмий асосланганлиги ва шу кабилар.

Ўқувчиларнинг амалий хатти-ҳаракатларини объектив назорат қилиш ҳамда баҳолаш методларидан бири амалий топшириқларни бажариш технологияси асосида амалга оширилади. Амалий топшириқлар бўйича ўқув матаериалини ўзлаштирганлик даражасини назорат қилиб баҳолашда олдиндан белгиланган мезон бўйича олиб борилиб, максимал 5 баллик тизим қўлланилиши мақсадга мувофиқ. Тўлиқ беш баллик тизим технологик жараёнларни бажаришга тақсимланади. Бунда амалларнинг технологик жараёнидаги тутган ўрни, муҳимлиги эътиборга олинади.

Ўқувчиларнинг амалий хатти-ҳаракатини назорат қилиб баҳолашда ўқув материалининг асосий ва иккинчи даражали муаммолари муҳим аҳамият касб этади. Шунга мос равишда баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилади. Унча муҳим бўлмаган амалларга, яъни иккинчи даражали муаммоларга 0,5-1,0 балгача белгилаш тўғри бўлади. Топшириқни бажариш босқичлари бўйича ҳар бир назоратга оид гўпланган баллар йиғиндиси 5 га тенг бўлиши шарт.

Шу боис ихтисосликка оид ўқувчиларнинг ўзлаштирганликларини назорат қилиш ҳамда баҳолаш мақсадларини амалиётдаги ҳолатини ўрганишда биз касб-ҳунар коллежларида **3520600 кодли “Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқариш жихозлари ва уларни автоматлаштириш”** йўналиши бўйича Намунавий ўқув режасини таҳлил қиладиган бўлсак, унда **“Металларга ишлов бериш дастгоҳларининг тузилиши”** ихтисослик ўқув предмети фақат иккинчи ва учинчи курсларда ўқитилиб, курслар кесимида қуйидагича: иккинчи курсларда учинчи ва тўртинчи семестрларда ҳафтасига 2 соатдан, 3 курсларда бешинчи ва

олтинчи семестрларда ҳафтасига 2 соатдан вақт ажратилган бўлиб, шу ўқув предметнинг иккинчи ва учинчи курслари учун умумий юкламаси 170 соат шундан назарий машғулотлар учун 84 соат, амалий машғулотлар учун 36 соат, мустақил таълим учун эса 50 соат вақт кўрсатилган. Шунинг учун бу ўқув предметини ўзлаштириш бўйича учун максимал балл 200 балл

қилиб белгилаш мақсадга мувофиқ. Бунда жорий назоратга максимал балнинг 50 дан кам бўлмаган фоизи, қолган қисми эса оралиқ ва якуний назоратларга ажратилади.

Ихтисослик ўқув предметлари кўпроқ амалийликни талаб этишини инобатга олиб, ўқувчиларнинг ўзлаштирганлик даражасини назорат қилиш ҳамда баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилади. Бизнингча баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишда қуйидагиларга аҳамият берилса мақсадга мувофиқ бўлади.

1. Назорат қилиш ҳамда баҳолаш стандартига амал қилиш:

аъло “5”	яхши “4”	қониқарли “3”	Қониқарсиз “2”
Берилган топшириқларни хатосиз бажарганда	Берилган топшириқдан бигтасига хатоликка йўл қўйганда	Берилган топшириқдан 2-барча 3та амалларни хатосиз бажарганда	Берилган топшириқни ҳаммасини хато бажарганда

2. Амалий кўникма ва малакаларни назорат қилиш ҳамда баҳолаш варақасини ишлаб чиқиш:

Ф.И.Ш					
Ба жариш	Бошлангич Тугаши	8-20 8-45	8-	8-20	8-20
Бажариладиган ишлар					
1. Техника хавфсизлигига риоя		0,25			
2. Иш ўрнини гашкил қила олиши		0,25			
3. Токарлик-винт қирқиш станогини		0,5			
4. Токарлик кескичларнинг		1,2			
5. Токарлик-винт қирқиш станогини ишга тушира олиши		0,5			

6. Станокда топшириқни бажара олиши ва яқунлаши	2,0			
7. Иш ўрнини тозалаш ва ишни яқунлаши	0,25			
Жами	5			

Ўқувчиларнинг ихтисосликка оид билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ҳамда баҳолаш жараёни биринчидан, мақсадни тўғри белгилаш, иккинчидан, назорат қилиш ҳамда баҳолашни лойиҳалаштириш, учинчидан, назоратни амалга ошириш ва тўртинчидан, олинган натижаларни таҳлил қилиш ҳамда якуний хулоса чиқаришдан иборат.

Касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларнинг касбий тайёргарлиги натижаси уларнинг ихтисосликка оид ўзлаштиришларининг яқунлари бўйича эришилган касбий ва шахсий ривожланишининг маълум даражасида акс этади. Ўқувчиларнинг касбий тайёргарлиги жараёни меъёрий жиҳатдан белгиланган тайёрлов йўналишлари бўйича касб, ихтисослик даражани эгалланишига қаратилади.

Профессор Н.А. Муслимов “Касбий шаклланиш даражасининг кўрсаткичлари - касбий шаклланиш даражасининг ўрнатилган меъёр, талаб, намуна ва стандартларга тўла мос келиши даражасининг белгилари ҳисобланади. Касбий шаклланиш даражасини баҳолаш меъёрлари - жамият томонидан шахснинг касбий ва шахсий ривожланишига нисбатан қўйилувчи талабларига мувофиқ бўлажак ўқитувчининг тан олинган ва ҳужжатларда кайд этилган шаклланиш даражаси кўрсаткичи[59].

Касбий шаклланиш жараёнининг мониторинги - касбий шаклланиш жараёни, шунингдек, унинг ички ва ташқи алоқаларига нисбатан белгиланаётган тахминлар, баҳолашнинг мавжуд ҳолати ва ўзгаришларини назорат қилишнинг тизими саналади” - деб эътироф этади.

Демак, касбий шаклланиш жараёни олий таълим муассасалариталабаларининг касбий тайёргарлигида намоён бўлади. Шу

сабабли, касбий тайёргарлик педагогик тизим сифатида касб-хунар таълими жараёнининг бир

қисми ҳисобланади, деб хулоса чиқариш мумкин. Ўқувчиларнинг касбий тайёргарлик даражаси унинг шахсий ва касбий ривожланиши, илмий-техник тараққиёти талаблари, давлат таълим стандартига мос келиши ёки ўқувчиларнинг ихтисосликка оид ўзлаштирганлик даражасининг сифат кўрсаткичидини белгилайди.

Ўқувчиларнинг касбий тайёргарлиги сифатини таъминлаш унинг мавжуд талаб, қоида ва стандартлардан паст даражада бўлмаслигини ифодалайди. Касбий тайёргарлик жараёни сифатини аниқлаш, назорат қилиш ҳамда баҳолаш - бу бошқарув субъекти томонидан таъсир кўрсатилиши ва мақсад, қоида ҳамда стандартларга мувофиқ қайта алоқа (назорат, баҳолаш, таҳлил қилиш)ни ташкил қилиш ҳисобланади.

Касб-хунар коллежларида тайёрланадиган кичик мутахассиснинг ихтисосликка оид касбий тайёргарлигига нисбатан қўйилувчи талабларни мазмунан асосий ва таъминловчи талабларга ажратиш мумкин. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Ўқувчининг ижтимоий, касбий ва ҳаётий фаолиятига оид индивидуал- шахсий муаммолар даражаси.
2. Ихтисосликка оид муаммоларнинг назорат қилиш жараёнини ҳар бир босқичида барқарорлашиш, фаолият кўрсатиш ва ривожланиш хусусияти.
3. Ихтисосликка оид ҳар бир даражадаги муаммоларнинг мазмунини очиб берувчи намунавий синов топшириқлар тўплами.
4. Муаммоларни ҳал қилиш борасидаги билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланганлик даражаси кўрсаткичлари билан тавсифланади.

Ўқувчининг касбий тайёргарлигини таъминловчи талаблар: ўқувчининг турли даражадаги асосий муаммоларни ҳал этишга тайёргарлигини таъминловчи ижтимоий, касбий ва шахсий аҳамиятга эга инвариант интеллектуал маҳорат ва индивидуал сифатларининг шаклланганлиги, ҳамда

ихтисосликка оид турли даражадаги муаммоларни ҳал этишга хизмат килувчи ихтисосликка оид назарий фундаментал билимлар, инсон ва уни

ўраб турган борлиқнинг яхлитлиги борасидаги замонавий билимлар тўплами билимларнинг шаклланганлик даражасига қўйилувчи талаблар.

Касбий тайёргарлик даражаси натижа сифатида касб-ҳунар таълим муассасаси битирувчисининг касб ва ихтисосликка оид фаолият доираси давлат таълим стандартлари талабларига мослиги таълим муассасаси битирувчисининг билимлилик даражаси асосида белгиланади.

Касбий тайёргарликни таҳлил қилиш ва унинг тузилишини лойиҳалаштиришдан кейин касбий тайёргарлик даражасининг меъёрларини аниқлаш лозим.

“Касбий тайёргарлик даражасининг меъёри” деганда меъёрий ҳужжатларда малакали кичик мутахассиснинг ижтимоий-иқтисодий, ва шахсий талабларига мос келувчи касбий ва шахсий ривожланиш даражаси тушунилади.

Касбий тайёргарлик даражасини аниқлаш жараёни уни назорат қилиш ҳамда баҳолашда намоён бўлиб, у қуйидаги даражаларда шаклланиши мумкин: *аввалги ёки мавжуд даражада; истиқбол даражада\ абстракт даражада; имконият даражасида.*

Ўқувчиларнинг касбий тайёргарлик даражасини назорат қилиш ҳамда баҳолашда мавжуд қоидалар, талаблар ўртасидаги узвий боглиқлик, улар бир-бирлари билан тўла ёки қисман мос келиши мумкин.

Касб-ҳунар таълим тизимининг мақсадлари ҳар бир ўқувчи эришиши мажбурий бўлган билим, кўникма ва малакалар мавжуд қоидалар, талабларга мос равишда тан олинса, у ҳолда ўқувчининг касбий тайёргарлик даражасини назорат қилиш ҳамда баҳолаш асослари сифатида тасдиқланади.

Шундай қилиб, назорат қилиш ҳамда баҳолар асосларини шакллантириш касб-ҳунар таълим тизими мақсадини барча таркибий қисмларнинг гуруҳлари бўйича, яъни, бу талаблар мазмунини очиб берувчи (синов топшириқларининг таркиби ва мазмунига кўра) у ёки бу мазмунли

таркибий қисмлар шаклланганлигининг кўрсаткичлари (меъёрий миқдори) сифатида ижтимоий меъёрлаштириш масаласи тушунилади.

Ўқувчиларнинг касбий тайёргарликлик даражасини назорат қилиб баҳолашда касбий таълим мазмуни асосида ишлаб чиқилган ихтисосликка оид назарий ёки амалий, техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқларига монанд баҳолаш мезонлари ва методлари танланади. Касбий тайёргарлик жараёнининг ўзлаштириш кўрсаткичларини баҳолаш ва унинг мониторингини олиб бориш асосида чора-тадбирлар белгиланади шу асосда таълим жараёни такомиллаштириб борилади.

Ўқувчиларнинг касбий тайёргарлик даражасини назорат қилиш, баҳолаш ёки синаш технологияси - ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини баҳоловчи субъект (ўқитувчи) томонидан амалга ошириладиган назорат, текшириш, синаш ва баҳолаш фаолияти жараёни.

Ўқувчиларнинг касбий тайёргарлик даражасини назорат қилиш ва баҳолаш жараёнида: анъанавий ахборот тарқатиш; замонавий компьютер воситасида ахборот тарқатиш; ахборот тарқатишда аралаш воситалардан фойдаланилади.

Иккинчи боб бўйича хулоса

Касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларнинг ихтисосликка оид ўзлаштирганлик даражасини назорат қилиш ҳамда баҳолашнинг назарий асосларини ўрганиш жараёнида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларнинг ихтисосликка оид ўзлаштирганлик даражасини назорат қилиш ҳамда баҳолашнинг назарий асосларини ўрганиш ўқувчиларни ихтисосликка оид тайёргарлик даражасини аниқлаш, назорат қилиш ҳамда баҳолашни амалга оширишга имкон беради.

2. Ўқувчиларнинг умумтаълим, умумкасбий ва ихтисослик ўқув предметларини узвий алоқада ўрганишлари уларнинг касбий ўзлаштирганлик даражасини шаклланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Ўзлаштирганлик даражасини назорат қилиш ҳамда баҳолаш касбий таълим

жараёнинг ажралмас таркибий қисми бўлиб, назорат қилиш ҳамда баҳолашни тўғри ташкил этилиши таълим-тарбия сифатини ошишини белгилаб беради.

3. Касб-ҳунар таълимида ўқувчиларнинг ўзлаштирганлик даражасини назорат қилиш ҳамда баҳолашда унинг асосий компонентларини белгилаш муҳимлиги аниқланиб, диссертацияда ихтисосликка оид ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини назорат қилиш ҳамда баҳолаш бўйича кўрсатмалар ишлаб чиқилди.

4. Касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган ўқувчиларнинг ихтисосликка оид ўзлаштирганлик даражасини назорат қилиш ҳамда баҳолаш жараёнининг амалдаги ҳолати таҳлил қилиниб, назоратнинг куйидаги таркибий қисмлар муҳим аҳамиятга эга эканлиги аниқланди: назорат шакллари; турлари; методлари; тамойиллари; тизимлари; кўринишлари.

5. Назорат қилиш ҳамда баҳолашнинг асосий компонентлари нафақат касбий таълимнинг жараёний омили, балки шу жараённинг натижаси сифатида ўз ифодасини топади.

III БОБ. БЎЛАЖАК КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ТАЙЁРГАРЛИК СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА БАҲОЛАШ БЎЙИЧА ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИ

3.1. Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказилиши

Тадқиқот даврида касб-хунар коллежларида таҳсил олаётган ўқувчиларнинг ихтисосликка оид касбий ўзлаштирганлик даражасини шаклланиш жараёни назарий асосларига таянган ҳолда тажриба-синов ишларининг ташкил этилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Тажриба-синов ишларини ташкил этишдан кўзланган мақсад - касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг ихтисосликка оид касбий ўзлаштирганлик даражасини аниқлаш, назорат қилиш ҳамда баҳолашдан иборат этиб белгиланди.

Белгиланган мақсадга мувофиқ қуйидаги вазифалар ижобий ҳал этилди:

1. Касб-хунар коллежлари фаолияти мазмунини ёритувчи ҳуқуқий, ўқув-меъёрий ҳужжатларни (Ўрта махсус, касб-хунар таълимининг тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликлар умумдавлат таснифлагичи, давлат таълим стандарти, ўқув режа, ўқув фани дастурлари ва ҳ.к) ўрганиш асосида ўқув-тарбия жараёнида ўқувчиларни касбий шакллантириш бўйича назарий маълумотларни ўрганиш ва умумлаштириш.

2. Анкета сўровлари ёрдамида ихтисослик ўқув предметлари ўқитувчиларидан ўқувчиларнинг ихтисосликка оид касбий шаклланиш жараёни ва уларни назорат қилиш ҳамда баҳолаш моҳияти борасидаги асосий тушунчаларни ўзлаштирганлиги ҳақидаги маълумотларни аниқлаш.

3. Ихтисосликка оид назарий ва амалий топшириқлар ёрдамида ўқувчиларнинг касбий шаклланишининг мавжуд ҳолатини ўрганиш.

Амалий тажриба ишларининг маълум мақсад ва унга мувофиқ белгиланган вазифалар асосида ташкил этилиши қуйидаги ҳолатларни юзага келтирди:

- тажриба-синов ишларининг аниқ йўналишга эга бўлиши;

- мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш;
- тажриба-синов ишларини олиб боришга сарфланаётган вақтдан унумли фойдаланиш;
- кутилаётган натижани олдиндан башорат қилиш;
- аниқ натижани қўлга киритиш;
- тажриба-синов ишлари юқори даражадаги самарадорлигининг таъминланиши.

Тажриба-синов ишлари қуйидаги уч босқичда амалга оширилди:

1. Асословчи тажриба босқичида касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари фаолиятини педагогик кузатиш, суҳбат, анкета сўровлари, шунингдек, уларнинг ихтисосликка оид ўзлаштиришларини аниқлаш, назорат қилиш ҳамда баҳолаш ва таълим-тарбиявий ишлар моҳиятини ёритувчи ҳужжатларни ўрганиш каби методлардан фойдаланилди. Буларнинг барчаси тадқиқотнинг асосий йўналиши ва дастурини муайян даражада аниқлаш имконини берди. Тадқиқот мавзусига оид етакчи педагоглар, олимлар ва амалиётчиларнинг илмий ишлари таҳлил килинди.

2. Шакллантирувчи тажриба босқичида диссертант томонидан тавсия этилаётган илмий-услубий ишланмалар асосида амалий-методик фаолият ташкил этилди. Бунда ўқувчилар фаолиятини бевосита ва билвосита педагогик кузатиш, улар иштирокида амалий машғулотларни ташкил этиш, олинган натижани самарадорлигини аниқлашда назорат қилиш ҳамда баҳолашнинг метод ва воситалари ёрдамида ўқувчиларни касбий шакллантиришга қаратилган умумий педагогик таъсир ҳамда мустақил фаолиятни йўлга қўйиш асосида касбий сифатларнинг тарбияланишига катта аҳамият қаратилди.

Таъкидловчи тажриба босқичида ўқувчиларнинг ихтисосликка оид ўзлаштириштирганлик даражасини аниқлаш учун назарий ва амалий, техник-технологик вазиятли топшириқлар методига таянган ҳолда диссертант томонидан тавсия этилаётган методиканинг самарадорлиги, шунингдек, касб-ҳунар коллежи ўқувчиларининг касбий шаклланганлик даражасининг ҳолати аниқланди. Ўқувчиларнинг касбий шакллантиришда умутаълим, умумкасбий

ҳамда ихтисослик ўқув предметларини ўқитишнинг самарадорлиги, натижаларни назорат қилиш ва баҳолашни янада ошириш борасидаги қилинган ишларни мустаҳкамлаш ҳамда камчиликларни бартараф этишга доир кўрсатмалар, тавсиялар, ўқувчиларнинг касбий билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланганлик даражасини баҳолаш учун методика ишлаб чиқилди. Шакллантирувчи тажриба-синов машғулотлари ўтказилди, тадқиқот натижалари амалиётга тэтбиқ этилди.

4. Умумлашгирувчи тажриба босиқичида тажриба-синов ишлари жараёнида касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг ихтисосликка оид ўзлаштирганлик даражасини назорат қилиш ҳамда баҳолашда ижобий натижаларга эришилганлиги математик-статистик методлар ҳамда ҳолис экспертлар томонидан баҳолаш орқали тасдиқланди.

Маълумки, малакали кичик мутахассисларни ихтисосликка оид касбий шаклланиш жараёнини назорат қилиш ҳамда баҳолашда таълим-тарбия жараёни учун ўзига хос бўлган дидактик принциплар ташкил этади.

Дидактик принциплар - бу таълимнинг умумий мақсадлари ва қонуниятларига биноан унинг мазмуни, ташкил этиш шакллари, методлари ва воситаларини белгиловчи асосий қоидалардир. Бошқача айтганда, таълим принципларида таълим-тарбиянинг меъёрий асослари ўз ифодасини топади. Дидактик категория сифатида принциплар кўзланган мақсадга мос ҳолда қонун ва қонуниятлардан фойдаланиш усулларини тавсифлайди.

Педагогик жараён амал қилиши зарур бўлган қоидалар, яъни принципларнинг моҳиятини билиш ушбу жараён ҳақида аниқ билимга, тасаввурга эга бўлиш талаб этилади.

Улар қаторига касб-ҳунар таълимининг хусусий принциплар (Таълим мазмунининг барқарорлиги ва ўзгарувчанлиги, редуқциялаш, политехник, касбий йўналганлик, узвийлик) билан бирга қуйидаги тамойиллар ҳам киради:

1.Таълим мазмуниининг барқарорлиги ва ўзгарувчанлиги

принципи асосида диалектик миқдор ўзгаришларини сифат ўзгаришларига ўтиши ётади. Фан-техника тараққиёти ва илғор ишлаб чиқариш технологияларининг амалиётга тезкорлик билан жорий этилиши касбий таълим мазмунини белгиловчи ўқув-меъёрий ҳужжатларда ўз ифодасини топиши зарур. Бу ўзгаришларда таълим мазмунининг нисбатан паст даражаси юқори даражасига диалектик тарзда ўзгаради. Ҳозирги замон ва истикбол талабларига жавоб берадиган кичик мутахассис кадрлар тайёрлашда нисбатан барқарор, асосий ядро ҳисобланган, билим, кўникма, малака ва шахсий фазилятлар мажмуасини илмий асосда шакллантирмасдан тайёрлаш мумкин эмас. Шунингдек, замондан орқада қолиб кетмаслик учун фан-техника ва технологиялардаги ўзгаришларни мунтазам равишда ўрганиб бориш ҳам зарур.

2. Редукциялаш принципи - фан-техника тараққиёти, илғор ишлаб чиқариш технологияларининг амалиётга кенг кўлам ва тезкорликда жорий этилиши билан бевосита боғлиқ бўлган ахборотларнинг шиддатли оқими шароитида ўқув материални имкони борича қисқартириш, яъни энг муҳим тизим ҳосил қилувчи қисмини ажратиб олишни кўзда тутати. Бу қисқартириш Давлат таълим стандарти орқали белгиланган мазмуннинг етарли ва зарур даражасига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмаслиги керак.

3. Политехник принцип-бўлажак кичик мутахассисларда замонавий техника ва ишлаб чиқариш технологиялари ҳақидаги умумий, мослашувчан, тизимли билим ҳосил қилишни кўзда тутати.

4. Касбий йўналганлик принципи биринчидан, умумтаълим ўқув предметлари мазмунини мукамал эгалланиши кўзда тутилган касб ва ихтисослик билан боғлайди, иккинчидан, ўқувчиларнинг ўқув билиш фаолиятларини фаоллаштиради, учинчидан, ўзлаштирилаётган билимларнинг кўламини кенгайтиради ва чуқурлаштиради, тўртинчидан, билимлар тизимлилигига эришилади, бешинчидан, таълим мақсади ва жараён иштирокчиларининг ҳамкорлик фаолиятини таъминлайди. Уқитувчининг касбий йўналганлик принципига амал қилмаслиги таълим- тарбия

самарасининг нисбатан паст бўлишига олиб келади. Тайёрланаётган кичик мутахассислар эгаллаши зарур бўлган билим ва етарли мазмун даражаси ҳамда унинг пировард максадлари Давлат таълим стандартлари (ДТС, ТТС)да ўз ифодасини топади.

5.Узвийлик принципи - таълим жараёнида узвийлик бир босқичдаги билим, иш-ҳаракат усулларининг иккинчи юқори босқичга кўтариш билан боғлиқ алоқадорликни ўрнатиш йўли билан амалга оширилади. Бундай узвийликнинг муваффақиятли амалга ошишига энг камида қуйидаги икки омил ўз таъсирини кўрсатади:

1) ўқув-меъёрий ҳужжатлар ва аниқ ўқув предметларининг мазмуни (дастур, дарслик, кўрсатмали қўлланмалар)даги узвийлик;

2) таҳсил олувчиларнинг реал тайёргарлиги ва ўқитувчининг касбий маҳорат даражаси.

Ўқувчиларнинг ихтисосликка оид техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар бўйича берган жавоблари 100 баллик тизимда қуйидагича баҳоланди: ҳар бир жавоб варианты бўйича белгиланган баллар асосида ўқувчининг умумий кўрсаткичлари йиғиндиси топилади ҳамда у топшириқлар сонига бўлинади. Ушбу методика бўйича топшириқларнинг ўқувчилар томонидан ечилиши қуйидагича даражаланади:

- 1.Ўқувчининг кўрсаткичлари 86 баллдан 100 баллгача бўлса, унинг ихтисосликка оид билим, кўникма ва малакаларга эгалик даражаси юқори.
- 2.Ўқувчининг кўрсаткичлари 71 баллдан 85 баллгача бўлса, унинг ихтисосликка оид билим, кўникма ва малакаларга эгалик даражаси ўртача.
- 3.Ўқувчининг кўрсаткичлари 56 баллдан 70 баллгача бўлса, унинг ихтисосликка оид билим, кўникма ва малакаларга эгалик даражаси паст.

3.2.Тажриба-синов ишларининг натижалари

Асословчи ва таъкидловчи тажриба-синов ишлари жараёнида ўқувчиларда касбий тайёргарликка оид тушунчаларнинг таркиб топганлик даражасини аниқлашга қаратилган махсус анкета ишлаб чиқилди. Ушбу

анкета ёрдамида ўтказилган сўров натижалари 3.1-жадвалда берилган.

Аксарият жавобларда ўқувчилар “касбий тайёргарлик” тушунчаси моҳиятини улар томонидан ихтисосликка оид касбий билимларни зарур ва етарли даражада ўзлаштириш зарурлигини таъкидлаб, бироқ улар сўз юритилаётган тушунча мазмунида кичик мутахассиснинг индивидуал ва тарбияланганлик сифатларга эга бўлишидек муҳим жиҳатни эътибордан четда қолдирадilar. Ушбу саволга ижобий мазмунда жавоб берган иштирокчилар “касбий тайёргарлик” тушунчаси шахсан ўзлари учун аҳамияти юқори эканлигини айтиб ўтадилар. Яъни, уларнинг фикрларича, касбий тайёргарлик нафақат касбий фаолиятни ташкил этишдаги муваффақиятни таъминлабгина қолмай, балки шахснинг ўзлигини англаш, жамиятда муайян ўринни эгаллашлари учун туртки беради, шунингдек, ижтимоий аҳамиятга эга муайян ишни амалга оширишлари учун пойдевор вазифасини бажаради.

3.1-жадвал

Тажриба-синов ишлари жараёнида иштирокчиларда касбий шаклланишга оид тушунчаларнинг таркиб топганлик даражаси

Анкетасаволлари	Саволларга берилган жавоблар	Тажриба гуруҳларида		Назорат гуруҳларида	
		Тажриба	Тажриба	Тажриба	Тажриба
1. “Касбий тайёргарлик” тушунчаси моҳиятини Сиз қандай шарҳлаган бўлар эдингиз?	ижобий:	70	77	40	60
	қониқарли	30	22	55	42
	қониқарсиз	12	15	17	10
2. Мазкур тушунча шахсан сиз танлаган касб ёки ихтисослик учун муайян аҳамиятга эгами?	ижобий:	60	80	54	69
	қониқарли	35	12	34	31
	қониқарсиз	17	10	24	12
3. Сизнингча, касбий жиҳатдан етарли ва зарур даражада шаклланган малакали кичик мутахассис қиёфасида қандай сифатлар акс этиши лозим?	ижобий:	60	70	49	69
	қониқарли	40	35	42	22
	қониқарсиз	12	7	21	21
4. Сизнингча, сиз таҳсил олаётган гуруҳ ўқувчиларининг касбий тайёргарлик даражасини юқори деб баҳолаш мумкинми?	ижобий:	53	70	44	59
	қониқарли	35	30	44	41
	қониқарсиз	24	12	24	12
5. Малакали кичик мутахассис бўлиш учун қандай омиллар етакчи ўрин	ижобий:	60	69	34	69
	қониқарли	30	22	54	31

тутади деб ҳисоблайсиз?	қониқарсиз	22	21	24	12
6. Шахсан Сизда ихтисослик ўқув предметларини ўрганиш ва касбий сифатларнинг шаклланиши йўлида тўсик бўлаётган мавжуд муаммолар нималардан иборат?	ижобий:	40	80	24	69
	қониқарли	55	12	64	31
	қониқарсиз	17	10	24	12

Ўқувчилар кўпчилиги (тажриба ва назорат гуруҳлари бўйича) эса гарчи касб-ҳунар коллежларида ўлари танлаган касб, ихтисослик бўйича таҳсил олишига қарамасдан, “касбий тайёргарлик” тушунчаси улар учун муайян маъно касб этмаслигини баён этадилар. Жамиятда меҳнат бозори, ишлаб чиқаришга асосланган ижтимоий рақобатнинг тобора ортиб бораётган бир пайтда ўзларининг касбий жиҳатдан шаклланишларига бефарқ муносабатда бўлишлари касб-ҳунар таълимининг муаммоларидан бири деб эътироф этиш мумкин. Бу эса кичик мутахассислар тайёрлашда касбий фаолият ва уни ташкил этишга нисбатан ижобий ёндашувни қарор топтириш йўлида амалий ҳаракатларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатади.

Анкета сўровномасининг учинчи саволига жавоб қайтаришда ҳам юқорида қайд этиб ўтилган ҳолат такрорланди.

Тўртинчи, бешинчи ва олтинчи саволлар юзасидан ўқувчиларнинг жавобларидан шу ҳолат аён бўлдики, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари даврида ўқувчилар олдида юзага келаётган муаммолар уларнинг етарли даражада касбий тайёргарликка эга эмаслигидан далолат беради. Ушбу ҳолатдан ўқувчиларнинг ихтисосликка оид билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришда ихтисослик ўқув предметларини ўқитиш жараёнида кўпроқ амалий машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш мақсадга мувофиқ деб хулоса чиқариш мумкин.

Ўқувчиларнинг касбий фаолияти, жумладан, ихтисосликка оид кўникма ва малакаларини ўрганиш учун техник ва технологик вазиятларга асосланган топшириқлар берилди. (3.2. илова) Натижада ўрганиш жараёнида улар

томонидан ихтисосликка оид техник-технологик вазиятли топширикларини бажаришда йўл қўйиладиган қуйидаги умумий хатолар аниқланди:

- Ишнинг бажарилиши бўйича тавсия этилган технологик жараённинг бузилиши, техник воситаларнинг нотўғри танланиши;

- Мавжуд жиҳозларнинг техник имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаслик;

- Иш сифатига қўйиладиган техник талабларга амал қилмаслик;

- Иш вақтидан унумли фойдаланилмаслик, вақтни тўғри тақсимлай олмаслик;

- Йўл қўйилган хато ва камчиликларни мустақил аниқлай олмаслик.

Уқувчилар томонидан ихтисосликка оид техник-технологик вазиятли топширикларини бажаришда йўл қўйиладиган умумий хатоларни бартараф этишга оид қуйидаги тавсиялар таклиф қилинди:

- Технологик бузилиш сабабларини аниқлаш ва уни изоҳлашни таклиф этиш. Хатони бартараф этишнинг усули сифатида тавсия, таклиф этилган технологиянинг мақбуллигини асослаш. Технологик хариталар, тавсиялар моҳиятини қайга ўрганиш ва уларни амалда қўллашни тавсия этиш, техник воситалардан фойдаланиш бўйича махсус машқларни қайта ташкил этиш, талабаларнинг ўзаро назоратини йўлга қўйиш

- Жиҳозларнинг техник имкониятларидан фойдаланишга оид тавсияларни, ўқувчилар учун ихтисосликка оид мустақил иш топширикларни қайта қўриб чиқиш

- Ихтисосликка оид технологик жараёнларнинг ташкил этилишини мунтазам жорий назораг қилиш, ўзаро назоратини йўлга қўйиш

- Иш вақтини тежашга, ишларни қисмларга бўлиб бажаришга оид технологик тавсияларни бериш, иш вақтини иқтисод қилишга имкон берувчи мосламалардан фойдаланишни тавсия этиш, технологик ўтишларнинг вақтмеъёрларини аниқ белгилаш

- Йўл қўйилган хатолар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, олдини олиш чоралари ҳамда уларни бартараф этиш йўллари қайта тушунтириш,

хатоларни бартараф этишга оид машқлар бажариш, уларни мустақил таълим олишга йўналтириш.

- Тажриба-синов ишларининг барча босқичларида тажриба ва назорат гуруҳи ўқувларини ихтисосликка оид касбий тайёргарлик даражаси, хусусан назарий ўзлаштиришлари тест ва сўровлари асосида ўрганиб борилган бўлса, уларда шаклланган кўникма ва малакаларни ихтисосликка оид амалий топшириқларни бажариш бўйича назоратнинг амалий методлари асосида аниқланди.

- Тажриба-синов ишини бошлашдан аввал ва уларни ўтказишда юқорида белгиланган ихтисослик ўқув предметларининг мазмунини очиб берувчи маълумотлар, тадқиқотчи ҳамда ихтисослик ўқув предмети ўқитувчилари билан ҳамкорликда ўтказилган тажриба-синов ишларининг натижаси тадқиқот илмий фаразини тасдиқлашга хизмат қилди.

- Тадқиқот давомида ўқувчиларнинг ихтисосликка оид билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ҳамда баҳолашда, энг аввало, шу ўқув предметларини ўқитилиш ҳолатига эътибор қаратилди. Бунда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлигини юзага келтирувчи таълим технологиялари элементларидан фойдаланилди.


- Ихтисослик ўқув предметини ўқитишда таълимнинг ташкил этиш шаклларига кўра назорат қилиш ҳамда баҳолаш методлари танлаб олинди.

Ўқув предметларидан назарий ва амалий машғулотларда ўқувчиларнинг билим даражаси динамикаси, ўзлаштиришининг сифат кўрсаткичлари, билим даражаси, тажриба-синов ишлари 3-босқичида ўқувчилар ўзлаштиришнинг самарадорлик кўрсаткичлари ҳамда ўқувчиларнинг касбий фаолиятида ихтисосликка оид билим, кўникма ва малакалардан фойдалана олиш лаёқатига эгалик кўрсаткичлари келтирилган.

Тажриба босқичи ва ўқув йили	Ўзлаштириш даражаси	Тажриба		Назорат	
		Таж	Таж	Тажри	Тажриба
III босқич	Юқори	5(70)	5(77)	5(54)	5(69)

	Ўрта	4(30)	4(22)	4(34)	4(31)
	Паст	3(12)	3(15)	3(24)	3(12)

Жадвалдаги сонли маълумотларни математик статистика усулларида фойдаланиб қиёсий таҳлил қилинди. Бунда тажриба ва назорат гуруҳларига бириктирилган ўқувчилар касбий шаклланганлик даражасининг ортганлигини қайд этувчи кўрсаткичлар Стюдент мезони ёрдамида қайта таҳлил этилди. Ушбу метод моҳиятига кўра H_0 ва H_1 гипотезалар қабул қилинади. H_1 гипотеза махсус методикани татбиқ этиш натижасига кўра тажриба-синов ишларини олиб бориш жараёнида касб таълими ўқитувчиларининг касбий шаклланиш даражаси ортади деган ғояни илгари суради. H_0 гипотеза эса ушбу ғояни инкор этади, яъни, тажриба-синов ишларини даврида махсус методиканинг самарадорлиги тасдиқланмайди.



4.3- расм. Металларга ишлов бериш дастгоҳларининг тузилиши ўқув предмети бўйича ўқувчилар ўзлаш гиришининг сифат кўрсаткичи

Агар $T > T_p$ бўлса, H_0 гипотеза рад этилиб, H_1 гипотеза олинади. Тажриба-синов ишларининг якуний босқичида илгари сурилаётган ҳар икки гипотезадан қай бири тўғри эканлигини аниқлаш мақсадида ҳисоб ишлари олиб борилди.

Тажриба синов учун 2 та ўқув ихтисослик ўқув предмети, яъни “Металларга ишлов бериш дастгоҳларининг тузилиши” “Чилангарлик иши” олинган бўлсада, умумий сонли маълумотлар фақат “Металларга ишлов бериш дастгоҳларининг тузилиши” ўқув предмети бўйича олинди. Бу маълумотлар асосида қуйидаги белгиланишларни киритиб олайлик:

Белгиланишлар:

x , - тажриба гуруҳига мос келадиган баҳолар. $g = 1, 3$

y , - назорат гуруҳига мос келувчи баҳолар.

u , - назорат гуруҳига мос келувчи баҳолар.

$$\bar{x} = \frac{\sum x_i n_i}{n}; \quad \bar{y} = \frac{\sum y_i m_i}{m} \quad (1)$$

Бу ерда: X_i , - 3, 4, 5 қийматли баҳоларни мос равишда қабул қилади.

n , m - тажриба ва назорат гуруҳидаги ўқувчилар сони. n , m , мос баҳоларга нисбатан ўқувчилар сони.

Ўқув жараёни самарадорлигини баҳоловчи ўртача қиймат тажриба ва назорат гуруҳлари баҳоларининг ўртача арифметик қийматлари нисбатидир, яъни самарадорлик коэффициенти қуйидагича олинди:

$$\eta = \frac{\bar{x}}{\bar{y}} \quad (2)$$

Ўртача квадратик оғиш катталиклари:

$$S_x^2 = \frac{1}{n} \sum_i n_i \cdot (x_i - \bar{x})^2; \quad S_y^2 = \frac{1}{m} \sum_i m_i \cdot (x_i - \bar{x})^2 \quad (3)$$

Стандарт оғиш катталиклари:

$$S_x = \sqrt{S_x^2}; \quad S_y = \sqrt{S_y^2} \quad (4)$$

Ўртача қийматларни аниқлаш кўрсаткичи:

$$C_x = \frac{S}{\sqrt{n \cdot x}} \cdot 100 \% ; C_y = \frac{S}{\sqrt{m \cdot x}} \cdot 100 \% \quad (5)$$

Бош тўпламнинг номаълум ўрта қийматлари учун ишонч оралиқлари:

$$\begin{aligned} a_x &\in \left[\bar{x} - \frac{t}{\sqrt{n}} \cdot S_x ; \bar{x} + \frac{t}{\sqrt{n}} \cdot S_x \right] \\ a_y &\in \left[\bar{y} - \frac{t}{\sqrt{m}} \cdot S_y ; \bar{y} + \frac{t}{\sqrt{m}} \cdot S_y \right] \end{aligned} \quad (6)$$

Бу ерда нормаллашган четланиш ишонч эҳтимоли P асосида аниқланади. Масалан, $P=0,95$ да $t=1,96$ га тенг.

Биз ўртача қийматлар тенглиги ҳақидаги **$H_0: a_x = a_y$** гипотезани илгари суриб, унга қарама-қарши **$H_1: a_x \neq a_y$** эканлигини юқоридаги маълумотлар асосида Стъюдент статистикаси орқали текшираимиз.

Агар $T > T_p = t$ бўлса, H_0 гипотеза рад этилиб, гипотеза олинади.

Биз қуйида ушбу маълумотларга асосланиб, ҳар бир босқич учун ҳисоб ишларини олиб борамиз ва уларни қиёсий таҳлилни жадвал орқали келтирамиз.

3 босқич бўйича тажриба натижаларининг қиёсий таҳлили:

“Металларга ишлов бериш дастгоҳларининг тузилиши” ихтисослик ўқув предмети бўйича:

Бу ерда: $n=112$, $m=112$ - тажриба ва назорат гуруҳидаги ўқувчилар сони.

б - тажриба бошида.

О-тажриба охирида.

$$\bar{x}_b = \frac{1}{112} \cdot (70 \cdot 5 + 30 \cdot 4 + 12 \cdot 3) = \frac{1}{112} \cdot (350 + 120 + 36) = \frac{506}{112} = 4,5$$

$$\bar{y}_b = \frac{1}{112} \cdot (54 \cdot 5 + 34 \cdot 4 + 24 \cdot 3) = \frac{1}{112} \cdot (270 + 136 + 72) = \frac{478}{112} = 4,2$$

Самарадорлик коэффициентини

$$\eta_b = \frac{\bar{x}_b}{\bar{y}_b} = \frac{4,5}{4,2} = 1,07$$

$$S_x^2 = \frac{1}{112} \cdot (70(5 - 4,5)^2 + 30(4 - 4,5)^2 + 12(3 - 4,5)^2) =$$

$$= \frac{1}{112} \cdot (17,5 + 7,5 + 27) = \frac{52}{112} = 0,46$$

$$S_x = \sqrt{S_x^2} = \sqrt{0,46} = 0,68$$

$$S_y^2 = \frac{1}{112} \cdot (54(5 - 4,2)^2 + 34(4 - 4,2)^2 + 24(3 - 4,2)^2) = \frac{1}{112} \cdot (34,5 + 1,36 + 5,76) = \frac{41,62}{112} = 0,37$$

$$S_y = \sqrt{S_y^2} = \sqrt{0,37} = 0,61$$

Ўртача қийматлар аниқланиш кўрсаткичлари

$$C_x = \frac{S_x}{\sqrt{112} \cdot 4,5} \cdot 100\% = \frac{0,68}{10,6 \cdot 4,5} \cdot 100\% = \frac{68}{47,7} = 1,42\%$$

$$C_y = \frac{S_y}{\sqrt{112} \cdot 4,2} \cdot 100\% = \frac{0,61}{10,6 \cdot 4,2} \cdot 100\% = \frac{61}{44,5} = 1,37\%$$

$$a_x \in \left[4,5 - \frac{1,96}{10,6} \cdot 0,68 ; 4,5 + \frac{1,96}{10,6} \cdot 0,68 \right] = [4,37 ; 4,62]$$

$$a_y \in \left[4,2 - \frac{1,96}{10,6} \cdot 0,61 ; 4,2 + \frac{1,96}{10,6} \cdot 0,61 \right] = [4,08 ; 4,31]$$

Ушбу ҳисобларни тажриба охирида қандай натижаларга эга эканлигини ҳисоблаб чиқамиз:

$$\bar{x}_o = \frac{1}{112} \cdot (77 \cdot 5 + 22 \cdot 4 + 15 \cdot 3) = \frac{1}{112} \cdot (385 + 88 + 45) = \frac{518}{112} = 4,62$$

$$\bar{y}_o = \frac{1}{112} \cdot (69 \cdot 5 + 31 \cdot 4 + 12 \cdot 3) = \frac{1}{112} \cdot (345 + 124 + 36) = \frac{505}{112} = 4,50$$

$$\eta_o = \frac{\bar{x}_o}{\bar{y}_o} = \frac{4,62}{4,50} = 1,02 \quad \text{нисбий ўсиш.}$$

Демак, тажриба гуруҳи назорат гуруҳига нисбатан тажриба охирида 1,20 баробар (20%) юқори кўрсаткичга эга бўлдилар.

Агар тажриба бошига нисбатан таққослайдиган бўлсак:

$$\eta_n = \frac{\overline{x_o}}{\overline{x_6}} = \frac{4,62}{4,5} = 1,02 \text{ тажриба гуруҳида,}$$

$$\eta_m = \frac{\overline{y_o}}{\overline{y_6}} = \frac{4,50}{4,2} = 1,07 \text{ назорат гуруҳида самарадорликка эришилган.}$$

Биз ҳар бир босқич математик ҳисоб китобларни олиб бордик. Энди ушбу натижаларга кўра Стьюдент статистикаси орқали текшириб, хулосалар чиқарамиз

$$T = \frac{|\overline{x_6} - \overline{x_o}|}{\sqrt{\frac{S_{x_6}^2}{n} + \frac{S_{x_o}^2}{n}}}$$

“Металларга ишлов бериш дастгоҳларининг тузилиши” ихтисослик ўқув предмети бўйича III босқич; тажриба гуруҳи:

$$\overline{x_6} = 4,5 \quad \text{ва} \quad \overline{x_o} = 4,6 \quad \overline{x_6} = 4,5 \quad \text{ва} \quad \overline{x_o} = 4,6$$

$$T_m = \frac{|4,5 - 4,6|}{\sqrt{\frac{0,46 + 0,37}{112}}} = \frac{0,1}{\sqrt{0,01}} = \frac{0,1}{0,1} = 1,0$$

Демак, гипотеза қабул қилинади.

$$T_m = 6,3 > T_{0,96} = t = 1,96$$

Ўқувчиларнинг ихтисосликка оид касбий тайёргарлигини (билимлар, кўникма ва малакалар) оширишда уларнинг фаоллиги, қизиқиши, ижодий мустақиллигига қаратилган замонавий педагогик технологиялар - машғулотларни ўтишнинг мақбул шакллари ва имкониятлари ана шунга кўп жиҳатдан йўл очади. Шу боисдан ҳам ўқувчиларнинг касбий тайёргарлик даражасини назорат қилиш ҳамда баҳолашда ихтисослик ўқув предметларининг хусусиятидан келиб чиқиб, яъни унинг амалийликни талаб этишини инобатга олиб назорат турлари ва баҳолаш методларини танлаш

Ўқувчиларнинг касбий тайёргарлик даражасини шакллантириш орғтириш асоси ҳисобланади.

Касб-ҳунар коллежлари ўқувчисининг касбий ўзлаштирганлик даражасини шаклланиши муаммосини тадқиқ этишга йўналтирилган фаолиятнинг муҳим таркибий қисми сифатида - тажриба-синов ишлари ва уларнинг амалий моҳияти ўзига хос ўрин тутди.

Амалий тажриба ишларининг аниқ мақсад ва унга мувофиқ вазифалар асосида ташкил этилиши қуйидаги ҳолатларни юзага келтирди:

- 1) тажриба-синов ишларининг аниқ йўналишга эғалиги;
- 2) мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланилганлиги;
- 3) тажриба-синов ишларини олиб боришга сарфланаётган вақтдан унумли фойдаланилганлиги;
- 4) кутилаётган натижани олдиндан башорат қилиниши;
- 5) аниқ натижаларнинг қўлга киритилганлиги;
- 6) тажриба-синов ишлари юқори даражадаги самарадорлиги таъминланганлиги.

Ўқувчиларининг касбий ўзлаштирганлик даражасини аниқлашнинг мезонлари ишлаб чиқилганлиги тадқиқот ишининг амалий ва назарий қийматини оширишга хизмат қилди. Бу уларнинг индивидуал хусусиятлари (мотивацион сифатлар, интеллектуал салоҳият, ҳиссий ва иродавий сифатлар, амалий кўникмаларга эғ бўлиши ва ўз-ўзини бошқариш лаёқатлари); ихтисослик ўқув предметлари бўйича касбий тайёргарлик мезонлари асосида аниқланди.

УМУМИЙ ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Узбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талабларига мувофиқ республикамизда бозор муносабатлари шароитида рақобатбардош, касбий билим асосларини пухта эгаллаган, танланган касб, ихтисосликка оид фаолият олиб бориш кўникма ҳамда малакаларини ўзида ҳосил қила олган кадрларни тайёрлаш, уларнинг маънавий-ахлоқий маданиятини шакллантириш бугунги куннинг долзарб талаби ҳисобланади.

Касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган кичик мутахассислар сифат даражасини таъминлаш, уларнинг ўзлаштирганлик даражасини назорат қилиш ҳамда баҳолаш таълим-тарбия жараёнининг юқори босқичга кўтариш имконини беради. Ушбу йўналишда олиб борилган тадқиқотнинг мазмуни ва яқунларига таянган ҳолда шундай хулосаларга келиш мумкин:

1. Касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларнинг ўзлаштирганлик даражасини назорат қилиш ҳамда баҳолаш муаммоси касбий таълим тизимида малакали мутахассисларни тайёрлаш жараёнида ўзига хос долзарблик касб этади. Мазкур муаммонинг назарий-методологик асосларини таҳдил қилиш, уларни ўқувчиларни касбий тайёргарлик даражасига нисбатан тизимли ёндашув жараёнининг самарали ташкил этилишига имкон беради.

2. Касб-ҳунар таълимида ўқувчиларнинг ўзлаштирганлик даражасини назорат қилиш ҳамда баҳолаш педагогик муаммо эканлиги аниқланиб, диссертацияда муаммосини ҳал қилишнинг мақсад ва вазифалари ҳамда таълим-тарбия жараёни моҳиятини белгилаш мақсадида тадқиқотнинг илмий аппарати шакллантирилди. Муаммо моҳиятини ёритишда ўз даврининг етук педагогик олимларининг тадқиқот ишлари билан ҳозирги пайтда касб таълими назарияси ва амалиётини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиб келаётган ватандош олимларимизнинг гоёлари бир қаторда тадқиқ қилинди.

3. Ўқувчиларнинг умумтаълим, умумкасбий ва ихтисослик ўқув предметларини узвий алоқада ўрганишлари уларнинг касбий ўзлаштирганлик даражасини шаклланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Ўзлаштирганлик даражани назорат қилиш ҳамда баҳолаш касбий таълим жараёнининг ажралмас таркибий қисми бўлиб, назорат қилиш ҳамда баҳолашни тўғри ташкил этилиши таълим-тарбия сифатини ошишини белгилаб беради.

4. Касб-ҳунар таълимида ўқувчиларнинг ўзлаштирганлик даражасини назорат қилиш ҳамда баҳолашда унинг асосий компонентларини белгилаш муҳимлиги аниқланиб, диссертацияда ихтисосликка оид ўқувчиларнинг

ўзлаштириш даражасини назорат қилиш ҳамда баҳолаш бўйича кўрсатмалар ишлаб чиқилди.

5. Назорат қилиш ҳамда баҳолашнинг асосий компонентлари нафақат касбий таълимнинг жараёни омили, балки шу жараённинг натижаси сифатида ўз ифодасини топади.

6. Тадқиқот натижаларига кўраг^аЪжуд камчиликлар диссертантнинг кейинги босқич тадқиқот иши учун вазифа қилиб белгиланди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”
// Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т.: «Шарқ», 1998.
– Б. 31-61.

2. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида" ги Қонуни
// Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т.: «Шарқ», 1998.
– Б.20-29.

3. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан қураимиз. 12 томлик. - Т.: Ўзбекистон, 1999. 7-т. - 440 б.

4. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. 12 томлик. - Т.: Ўзбекистон, 2000. 8-т. - 528 б.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интиломда. - Т.: Ўзбекистон, 1999.-48 б.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. -Т.: Ўзбекистон, 1993. - 128 б.
7. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. - Т.: Ўзбекистон, 1998. - 78 б.
8. Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар - тараққиёт омили. - Т.: Ўзбекистон, 1995. - 24 б.
9. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларайи и касбийи шакллантиришнинг назарий-методик асослари. Пед.фан.докт. ... дисс. - Т., 2007.-315; 15. б.
10. Олимов Қ.Т. Махсус фаплардап ўқув адабиётлари япги авлодийи яратишнинг назарий-услубий асослари. Пед.фан.докт. ... дисс. - Т., 2005. - 285;
11. Файзуллаева Д. М. Замонавий машина ва жиҳозлардан фойдаланиш бўйича ўқувчиларда кўникма ва малакаларни шакллантириш. Пед. фан. ном.... дисс. - Т.: 2005. - 94;8 б
12. Ашурова С.Ю. Енгил саноапг йшалишлари бьшича кичик мутахассислар тайёрлашда махсус фанларни модулли ўқитишнинг илмий методик асослари. Пед. фан. ном.... дисс. - 7.: 2004. - 145;9 б
13. [Нуридинов Б.С. Касб таълими ўқитувчилари малакасини оширишда фаол ўқитиш методларидан фойдалаитининг илмий-педагогик асослари. Пед.фан.ном. ... дисс. - Т., 2002. -133; 11.
14. [Волкова С. С.Научно-методические основм подготовки рабочих широкого профиля в иовмх со ц иал ь п о-жоном и ч еских условиях .Автореф.дисс...к.п.н. - Т., 1997. -20; 17.
15. [Махмудов С.Ю. Органишционного-педагогические условия подгопювки конкурентоспособнмх специалистов в профессиональнмх колледжах. Автореф.дисс...к.п.н. - Т., 2002. - 22; 19.

16. Анаркулова Г.М. Научно-методические основы профессиональной подготовки специалистов для сельского хозяйства. Автореф.дисс...к.п.н. -Т., 2003.-22; 19.
17. Мамбетов Ф.Г. Дидактические основы оценки профессиональной подготовки учащихся в среднем специальном, профессиональном Образовании. Автореф.дисс...к.п.н. - Т., 2001. -20; 18.
18. Джумабаева Ф.А. Повышение качества обучения и объективности оценки знаний студентов на основе инвариантных тестов: Автореф.... канд.нед.наук. - Т., 1999. - 18 с.
19. Борисова В.В. Метод диамического тестирования в определении структуры знаний студентов. Автореф.дисс...к.п.н. М.: 2006.-26 с.
20. Беяков О.И. Использование средств новых информационных технологий для контроля знаний и умений учащихся по биологии. Автореф.дисс...к.п.н. - Санкт - Петербург 2000. - 22 с
21. Абдукудусов О., Рашидов Х. Касб-қунар педагогикаси. Ўқув қўлланма. - Т.: ЎМКХТТКМО ва УҚТИ, 2009 -240 б.
22. Автайкина Т.О. Формирование готовности учителя начальных классов к личностно-ориентированной контрольно-оценочной деятельности в системе повышения квалификации. Автореф.дисс...к.п.н. - Новокузнецк.: 2008.-24 с.
23. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. Ўқув қўлланма. - Т.: ТДПУ, 2003. - 174 б.
24. Алисиевич Е. П. Формирование проектных умений студентов средних специальных учебных заведений технического профиля. Автореф.дисс...к.п.н. - Шуя - 2009. -24 с
25. Анаркулова Г.М. Научно-методические основы1 профессиональной подготовки специалистов для сельского хозяйства. Автореф.дисс...к.п.н. - Т., 2003.-22 с.
26. Анаркулова Г.М., Уралова Н.М. Касб-хунар коллежларида касблар бўйича амалий имтиҳон ва битирув малакавий ишлари ташкил этиш методикаси. Услубий қўлланма. А.Р. Ходжабоевнинг умумий таҳрири остида. -

Тошкент, ЎМКХТТКМОУҚТИ. 2009.: 100 б.

27. Артишева Е. К. Оценка фонового уровня знаний как способ диагностики результатов усвоения учебного предмета. Автореф.дисс...к.п.н. - Калининград-1997. . -18 с

28. Ашурова С.Ю. Енгил саноат йъшалишлари бьшича кичик мутахассислар тайёрлашда махсус фанларни модулли ўқитишнинг илмий методик асослари. Пед. фан. ном.... дисс. - Т.: 2004. - 145 б.

29. Батьшев С.Я. Трудовая подготовка школьников. -М.: Педагогика. 1981.- 128 с.

30. Безрукова В.С. Методические проблемы формирования содержания подготовки инженеров-педагогов // Содержание подготовки инженеров-педагогов. Сб. науч. тр. СГУ. -Свердловск, 1997. - с.5-16.

31. Беляева А.П. Интегративно-модульная педагогическая система профессионального образования. - СПб.: Радом, 1997. - 226 с.

32. Беляков О.И. Использование средств новых информационных технологий для контроля знаний и умений учащихся по биологии. Автореф.дисс...к.п.н. - Санкт - Петербург 2000. - 22 с

33. Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивную технологию обучения. - М.: ИРПО, 1995.-336 с.

34. Борисова В.В. Метод динамического тестирования в определении структурм знаний студентов. Автореф.дисс...к.п.н. - М.: 2006. - 26 с.

35. Бянкин. В. В. Управление процессом физического воспитания учащихся 5-11 классов с использованием систем рейтингового контроля. Автореф.дисс...к.п.н. - Хабаровск.: 2003- 18 с.

36. Виноградов П. А.Рейтинговы контроль качества физкультурного образования студентов в технологическом вузе. Автореф.дисс...к.п.н. - М.: 2006- 23 с.

37. Волкова С.С.Научно-методические основыг подготовки рабочих широкого профиля в новых социально-экономических условиях. Автореф.дисс...к.п.н. - Т., 1997. - 20 стр.

38. Воробьёв А.И. Теория и практика производительного труда учащихся в условиях реформ общеобразовательной школы -Т.: Фан, 1986. - 110 с.
39. Гербет О.И. Формирование положительной самооценки подростков в условиях приюта. Автореф.дисс...к.п.н. - Новокузнецк - 2007. - 20 с
40. Джумабаева Ф.А. Повышение качества обучения и объективности оценки знаний студентов на основе инвариантных тестов: Автореф.... канд.пед.наук. - Т., 1999. - 18 с.
41. Иноятов У.И. Теоретические и организационно-методические основы управления контроля качества образования в профессиональном колледже: Автореф. ... докт.пед.наук. - Т., 2004. - 44 с.
42. Иванов П.И. Умумий психология “Уқитувчи” нашриёти Т.: 1967. 438 б.
43. Ишматов Қ. Педагогик технология. Маъруза матни. Наманган, НамМПИ.-2004.-95 б.
44. Иўлдошев Ж.Ф., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари (Халқ таълими ходимлари учун қўлл.). -Т.: Ўқитувчи, 2004. - 101 б.
45. Кабанова-Меллер Е.Н. Психология формирования знаний и навыков.-М.:1962. 376 с.
46. Карнаухова. М. В. Основную тенденции диверсификации мировой системы оценивания качества усвоения знаний в образовании на рубеже XX-XXI столетий. Автореф.дисс...д.п.н.- Ульяновск.: - 2006. - 50 с.
47. Кукушкин В.С. Дидактика (теория обучения) «Март» - М.: - Ростов - на-Дону., 2003.
48. Куприянов А.А. Проверка оценка знаний учащихся профтехучилищ по специальныш предметам. - М.: Выш. шк., 1984. - 111 с., ил.
49. Левитов Н.Д. Психология труда.М.:Учпедгиз. 1953.-476 с.
50. Лернер И.Я. Дидактические проблемы построения базового образования / Сб. научн. тр. - М.: МГПИ, 1993. - с. 56-61.
51. Лернер И.Я. Качества знаний учащихся. Какими они должны быть.

- М.: Издательство «Знание». 1978,- 48 с.

52. Лобачев С.Л., Солдаткин В.И. Дистанционную образовательную технологию: информационный аспект. - М.: МЭСИ, 1998. - 104 с.

53. Магзумов П.Т. Педагогические основы трудового становления личности школьников: Автореф. ... докт.пед.наук. -Т.: 1991. - 41 с.

54. Мадрахимов Х. Қ., Парпиев О. Т. Ўқувчилар касбий кўникма ва малакаларини баҳолаш. Услубий тавсиянома. - Тошкент.: ЎМКХТТКМО ва УҚТИ, 2009. 30 б.

55. Мамажонов Ш. Талабаларнинг билимини баҳолашнинг замонавий усули // Ж. Касб-ҳунар таълими. -2004. -№ 2. -Б. 27.

56. Мамбетов Ф.Г. Дидактические основы оценки профессиональной подготовки учащихся в среднем специальном, профессиональном образовании: Автореф. ... канд.пед.наук. -Т.: 2001. - 20 с.

57. Махмудов С.Ю. Организационно-педагогические условия подготовки конкурентоспособных специалистов в профессиональных колледжах. Автореф. дисс...к.п.н. - Т., 2002. - 22.

58. Маҳкамов У. Ахлоқ-одоб сабоқлари. -Т.: Фан, 1994. - 134 б.

59. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш. Монография. -Т.: Фан, 2004. - 128 б.

60. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари. Пед.фан.докт. ... дисс. - Т., 2007.-315 б.

61. Мусурмонова О. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси. - Т.: Ўқитувчи, 1996. - 97 б.

62. Нишоналиев У., Толипов Ў., Шарипов Ш. Касбий таълим педагогикаси. Ўқув қўлланма. -Тошкент: ТДПУ, 2007.- 389 б.

63. Новацкий Т. Основы дидактики профессионального обучения.- М.:Выш.школа. 1986.-288

64. Нуридинов Б.С. Касб таълими ўқитувчилари малакасини оширишда фаол ўқитиш методларидан фойдаланишнинг илмий-педагогик асослари.

Пед.фан.ном. ... дисс. -Т., 2002. - 133

65. Общая и профессиональная педагогика: Учебное пособие для студентов педагогических вузов / Под.ред. В.Д. Симоненко.- М.: Вентана-Граф, 2005. - 368 с.

66. Олимов Қ.Т. Махсус фанлардан ўқув адабиётлари янги авлодини яратишнинг назарий-услубий асослари. Пед.фан.докт. ... дисс. - Т., 2005. - 285 б.

67. Отинова С. А. Педагогическая оценка знаний в России: историческая ретроспектива и современное состояние. Автореф.дисс...к.п.н. М.: -2002.- 24 с

68. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. - Қарши: Насаф, 2000. - 79 б.

69. Очилов С. Независимость: духовность и основы воспитания (на примере произведений Президента Республики Узбекистан, академика И.А.Каримова): Дисс. ... докт.пед.наук (в форме научного доклада). - Т.: 1998.- 37 с.

70. Педагогика /А.К.Мунавваровнинг умум. тахрири остида. - Т.: Ўқитувчи, 1996. - 200 б.

71. Педагогика и психология высшей школы Учебное пособие / Ответственный редактор М. В. Буланова-Топоркова - Ростов н/Д:Феникс, 2002. - 544 с.

72.Педагогика: педагогические теории, системмы, технологии: Учеб. Пос. для студ. выш. и сред.пед. учеб. заведений / С.А.Смирнов, И.Б.Котова, Е.Н.Шиянов и др.; Под ред. С.Л.Смирнова. - 4-е изд., испр. -М.: Издательский центр «Академия», 2001.-512 с.

73.Педагогика. Учебное пособие для студентов педагогических вузов и педагогических колледжей / Под ред. П.И.Пидкасистого. - М.:Педагогическое общество России, 2004. - 608 с.

74.Педагогика: Большая современная энциклопедия / Сост.Е.С.Рапацевич. - Мн.: Современное слово, 2005. - 720 с.

75.Платонов А.А., Голубев Г.Г. Психология М.: выш.шк. 1977 246-с.

76.Раззоқов Д.Н. Мехнат таълимида тейтинг тизими. //Ж. Халқ таълими. - 2000. - № 6. - Б. 62-65.

77.Рашидов Х.Ф. Особенности развития среднего специального, профессионального образования в Узбекистане. —Т.: Фан, 2004. - 288 с.

78.Розиқов О.Р., Оғаев С.Ю., Махмудова М., Адизов Б.Р. Дидактика - Т.: “Фан” нашриёти - 1997 - 256 б.

79.Рмбас Л. С. Пути активизации познавательной деятельности студентов //Материалы III международной научной студенческой конференции «Научный потенциал студенчества в XXI веке» Том второй. Общественные науки. Ставрополь: СевКавГТУ, 2009. 144 с. Северо- Кавказский государственный технический университет.

80. Рьюев Ю.В. Оценка профессиональной подготовленности выпускников профессионально-технических училищ.- М.: Выш. шк.1983.- 63 с.

81.Рьюс. В.Л. Контроль знаний учащихся: Исследование на материале учебного предмета химии. - М.: Педагогика, 1982. - 80 с., ил.

82. Семушина Л.Г., Ярошенко Н.Г. Содержание и методы обучения в средних специальных учебных заведениях: Учеб.-метод. пособие.- М.: Выш.шк., 1990.-192 с.

83. Талмзина Н.Ф. Управление процессом усвоения знаний. -М.: Изд. МГУ.-1975.-89 с.

84. Толипов Ў.Қ. Олий педагогик таълим тизимида умуммехнат ва касбий кўникма ва малакаларни ривожлантиришнинг педагогик технологиялари: Пед. фан. докт. ... дисс. - Т.: 2004. -314 б.

85. Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт. - Т.: Фан, 2005. - 206 б.

86. Толипов Ў.Қ., Шарипов Ш.С., Исламов И.Н. Ўқувчилар дизайнерлик ижодкорлиги.-Т.: Фан, 2006.- 96 б.

87. Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси. - Т.: Ўзбекистон, 1998. - 23 б.

88. Турсунов И., Нишоналиев У. Педагогика курси: Дарслик.- Т.: Ўқитувчи, 1997.- 232 б.

89. Тўраев А.Б. Ўқувчиларда билим кўникма ва малакаларнинг шаклланишига таъсир этувчи психологик омиллар //Ж. Мактаб ва ҳаёт. - 2007.- № 5- 6. - Б. 12-13.

90. Хидиров Ў.Д. Ўқувчиларда ишлаб чиқариш таълими жараёнида касбий кўникма ва малакаларни шакллантиришнинг илмий услубий асослари (ҚХ йўналишидаги КХК мисолида)Т.:2003.?.

91. Ходжабаев А.Р. Научно-педагогические основы учебно- методического комплекса подготовки учителя труда: Дисс. ... докт. пед. наук. - Т.: 1992.-406 с.

92. Ходжабоев А.Р., Тўраев А. Назорат тест даражаларининг хусусиятлари //Ж. Халк таълими. - 2010. - № 5. - Б. 12-13.

93. Ходжабоев А.Р., Хусанов И.Т. Касб таълимининг методологик асослари. // услубий қўлланма// Т.: ТДПУ. - 2007. 177 б.

94. Цахоева А. Ф. Рейтинговая система в вузе: сущность, функциональные особенности. Автореф.дисс...к.п.н.- Владикавказ.: - 2002.-20 с.

95. Чориев Р.Қ. Инженер- педагогнинг касбий методик малакаларини шакллантириш: Дис. ... пед. фан. ном.- Т.: ЎзПФТИ; 1999.-? б.

96. Шипилова Т.Н. Формирование исследовательских умений и навыков будущих учителей технологии: Автореф. ... канд.пед.наук. - Липецк -2001.- 17 с

97. Эльконин Д.Б. Избранные психологические труды - М.: Педагогика, 1989.-417 с.

98. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. - Т.: Университет, 1998. - 248 б.

99. Файзуллаева Д. М. Замонавий машина ва жиҳозлардан фойдаланиш бўйича ўқувчиларда кўникма ва малакаларни шакллантириш. Пед. фан. ном. ...дисс. - Т.: 2005. - 94 б

100. Фокин Ю.Г. Определения основных терминов дидактики высшей школы- М., 1995. - 37 с


101. Фомичева И. Г. Философия образования: некоторе подходы к проблеме. - Новосибирск: Изд-во СО РАН, 2004. - 242 с.

102. Баҳолаш методлари: осиё тараққиёт банки «1737- Ўзб» «ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида яратилган, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчилари ка амалиёт усталари малакасини ошириш ва тренерлар тайёрлаш бўйича ўкув мегодик кўлланма, Т.: 2003,152 б.

ИЛОВАЛАР:


1-илова

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари



2-илова

Узлуксиз таълим тизимида ўрта махсус, касб-хунар таълимининг тутган ўрни



**Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари турлари ва уларнинг
олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари билан
алоқадорлиги**



Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш ва ривожлантириш шарт-шароитлари мажмуи



Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари мажмуи

